

Боқий фикр

Бу юртда ҳар томонлама соғлом, ўзининг куч-қудрати, қадди-қамати билан, баркамоллиги билан ўзгаларнинг ҳавасини уйғотадиган эл яшаши керак.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 12-aprel, shanba № 30 (8679)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 10 апрель кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг тақдир этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлиси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент муҳокамасига қонунчилик ташаббуси тартибидан киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу Қонун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали мажлисидаги мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берган маърузасида баён этилган қондалар ва ғояларга мувофиқ тайёрланган ва қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини рўёбга чиқаришдаги ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи олий орган, ҳокимият вакиллик органларининг Вазирлар Маҳкамаси ва ижро этувчи органлар фаолияти устидан назорат қилиш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифала-

рини амалга ошириш учун ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш мақсадида киритилмоқда.

Сенаторлар ушбу Қонун қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларининг бўлинишидан иборат конституциявий принципни амалга оширишнинг муҳим омили бўлишини алоҳида қайд этдилар.

Қонун «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деб номланган мамлакатимиз тараққиётининг бош принципини амалга ошириш бундан буён ҳам давом эттириш, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда демократиянинг бошқа умумэтироф этилган қадриятлари ва нормаларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган сиёсий тузилмани шакллантиришда улкан аҳамиятга эга.

Асосий Қонунга парламент назорати институти киритилмоқда.

Бош вазир лавозимига номзод парламентда унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда ҳукуматнинг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши ҳақидаги норманинг Конституцияга киритилиши демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган парламентаризм, кўппартиявийлик тизими ва партияларaro рақобат, фракцияларaro курашни янада мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Қонунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир энг муҳим масалалар юзасидан ҳукуматнинг ҳар йили ўз маърузаларини парламентга тақдим этиш мажбурияти ҳам назарда тутилмоқда.

Сенаторлар Конституциянинг 98-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари ва ҳуқуқларини аниқлаштиришни ва кенгайтиришни назарда тутадиган нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши муҳимлигини таъкидладилар.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий сиёсатни,

пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, илм-фан, маданият, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун масъулият юклатилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, қонунда белгиланган тартибда уларнинг фаолияти назорат қилинишини таъминлайди. Сенаторлар таъкидлаганларидек, Ўзбекистонни сиёсий ва конституциявий ривожлантириш мантигининг ўзи Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва масъулиятини таъминлашга қаратилган ушбу қоидаларни тақозо этмоқда.

Конституциянинг 32-моддасига киритилаётган тузилмалар ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ғоят муҳим вазифаларни ҳал қилишда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини анча кучайтиради. Ушбу модданинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини белгилаб берадиган нормаси бу ҳуқуқ давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва тақомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилмоқда.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ва айни вақтда вакиллик органи олдидидаги масъулиятини кучайтириш мақсадида Конституциянинг 103-моддаси вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини белгилайдиган норма билан тўлдирилмоқда. Ушбу ҳисоботлар бўйича халқ депутатлари Кенгашлари тегишли қарорлар қабул қилади.

(Давоми 2-бетда.)

“Соғлом бола йили” Давлат дастури БМТ расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Ўзбекистон Республикасининг “Соғлом бола йили” Давлат дастури Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Бош ассамблеянинг 68-сессияси расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Унда, жумладан, жорий йил Ўзбекистон Республикасида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан “Соғлом бола йили” деб эълон қилинган ҳамда тегишли Давлат дастури қабул қилинган ўз аксини топган.

Мазкур давлат дастури ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг қонуний ва мантикий давоми бўлди. Чунки мустақилликнинг илк кунларидан эътиборан ҳар томонлама ривожланган, жисмонан соғлом ва маъна-

вий баркамол авлод тарбиясига Ўзбекистонда устувор вазифа сифатида қараб келинади.

Энг муҳими, болаларимиз учун, халқимиз ва келажак авлод фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ана шундай олийжаноб фаолият изчил давом эттирилаётгани баробарида, унинг қўлами тобора кенгаймоқда. Натижалар эса яққол ва ҳамманинг кўзи ўнгидан намоён бўлиб турибди.

(Давоми 3-бетда.)



ЎҚУВЧИГА ДЎСТ УСТОЗ

Болага дўстона муносабатда бўлган ўқитувчигина улар қалбидан жой олади, «менинг устозим» деган шарафга муносиб бўлади. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларига чет тилини ўргатиш ўқитувчидан педагогик маҳорат, ҳар бир болага фетъ-атворидан келиб чиққан ҳолда психологик ёндашишни талаб этади.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси Дилноза Мирбобоева ҳам ўқувчиларга ўз фанини мукамал ўргатишга интилаётган педагоглардан. Ўқитувчи 3-синф ўқувчилари иштирокида ўтказган «Present Indefinite» («Ҳозирги ноаниқ замон») мавзусидаги ноанъанавий дарсида бумеранг, кластер технологияларини самарали қўллади. Мавзунинг тез эсда қолишини таъминлаш учун жумбоқли ўйинлар, кўргазмали плакатлар, мультфильм ҳаҳрамонлари расмларидан кенг фойдаланади. Бу эса болаларнинг дарсга бўлган қизиқишини янада оширади.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сенаторлар Конституциянинг 117-моддасига киритилаётган тузатишлар алоҳида аҳамиятга эгаллигини ҳам кўрсатиб ўтдилар. Бу тузатишлар парламент томонидан тузилладиган мустақил конституциявий орган сифатидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш, унинг ишлари ва мақомининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаб қўйди. Конституцияда Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, одилликдан иборат асосий принциплари мустаҳкамланмоқда. Буларнинг барчаси сайлов тизимини янада демократлаштириш йўлидаги муҳим кадамдир. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўзга чиққан сенаторлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Қонуннинг қоидалари чет эллик сиёсий арбоблар ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланаётганлигини, улар бу янгиларлар энг демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мослигини таъкидлаётганликларини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) «Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Ушбу Қонунга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларининг нормалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган тузатишларга мувофиқлаштирилди.

Юқоридagi қонунларни муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар қайд этганларидек, уларнинг қабул қилиниши, шунингдек, Ўзбекистонда демократик ислохотларни изчил рўёбга чиқариш мамлакатнинг барқарорлиги ва унинг ривожланишини таъминлашдаги ҳал қилувчи омил бўлади. Шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбарининг мамлакатини янада демократлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ташаббусларини амалга ошириш муҳим халқаро аҳамиятга эга.

Сенаторлар халқаро вазият нуктаи назаридан келиб чиқиб, бутун жаҳон ҳамжамияти қатори Ўзбекистон ҳам Украина ва унинг атрофидаги вазиятдан ташвишланмаслиги мумкин эмаслигини таъкидладилар. Сенаторлар ушбу масала бўйича Ташқи ишлар вазирлигининг шу йил 4 ва 24 мартдаги баёнотларида билдирилган позицияни қўллаб-қувватлаб, Украинада юз бераётган воқеалар вазиятнинг жиддий мураккабланишига ҳамда қарама-қаршиликка олиб келгани баробарида, улар танглигининг янада кучайишини, олдидан айтиш мумкин бўлган оқибатларни келтириб чиқариши, мамлакат суверенитети ва ҳудудий ахиллигига жиддий ҳавф солиши мумкинлиги Ўзбекистонда чуқур ҳавотир ва ташвиш уйғотмаслиги мумкин эмаслигини қайд этдилар.

Сенаторлар юзга келган вазиятнинг бартараф этилишини, энг аввало, куч ишлатишлар қўлланилишидан воз кечилган ҳолда, вужудга келган

муаммолар тинч йўл билан, сиёсий воситалар ва саъй-ҳаракатлардан фойдаланилган тарзда, халқаро ҳуқуқнинг асосий меъёрларига ҳамда БМТ Низомига асосланган ҳолда, музокаралар йўли билан ҳал этилишида кўрилади, деган фикрни билдирдилар.

Сенаторлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ижро этиш юзасидан тайёрланган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу Қонун фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга, улар фаолиятининг шаффофлигини, очиклигини таъминлашга, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобгарлигини оширишга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини янги тахрирда кўриб чиқдилар.

Қонун корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатларини, ҳуқуқлари ва масъулиятини янада аниқ белгилаб қўйишга, бозор муносабатларини қўлланш амалиётини ҳамда уларни ривожлантиришнинг янги реал воқеаликлари ҳисобга олган ҳолда акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашлари, умумий йиғилишлари ва тафтиш комиссияларининг ролини ҳамда аҳамиятини оширишга, акциядорлик компаниялари фаолиятининг шаффофлигини ва ҳамма акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятлари фаолиятига доир ахборотдан фойдаланиш имкониятини оширишга қаратилганлиги қайд этилди.

Сенаторларнинг фикрича, Қонун бозор ислохотларини янада демократлаштиришга ҳамда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини либераллаштиришга, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга, ўрта мулкдорлар синфининг иқтисодий ётада аҳамиятини ва иштирокини оширишга, молия бозорига рақобатни янада чуқурлаштиришга, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Ялпи мажлисда ушбу Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимлар ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини

оширишга, уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини, кўрилатган чораларнинг тизимлигини ва батаретиблигини таъминлашга, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларини тартибга соладиган кўп сонли ҳуқуқий нормаларни бир-хиллаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Парламент юқори палатаси вакилларининг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида яхлит норматив-ҳуқуқий база шакллантирилишини таъминлаш имконини беради, жойларда ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга, жамоат тартиби сақланишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган самарали, кўп босқичли профилактика тизимини яратишга ёрдам беради.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрдаги «Судларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши қоидаларини амалга ошириш доирасида тайёрланган янги тахрирдаги Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Мажлисда қайд этилганидек, ушбу Низомнинг нормалари судьялар лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тизимини, барча даражалардаги судьяларнинг малака коллегиялари фаолиятини ташкил этишнинг янада такомиллаштиришга, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Қонуннинг асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Қонун билан бир қатор қонунларга: «Нотариат тўғрисида»ги, «Алоқа тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатларини ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонуний палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги, «Қимматли қозғолар бозори тўғрисида»ги қонунларга, Жиноят, Фуқаролик кодексларига, бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиб, тасдиқладилар. Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини чуқурлаштириш чораларини амалга оширишга, бу соҳадаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишига ёрдам беришга қаратилганлиги қайд этилди.

Ҳуқуқий маданиятни ошириш ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмининг такомиллаштириш бўйича қатор тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Омбудсман томонидан фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилаётганлиги тўғрисидаги шикоятлари ва мурожаатларини кўриб чиқишга, бу ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш бўйича қонуний чоралар кўришга алоҳида эътибор берилди. Сўнги вақтларда мурожаатларни электрон почта орқали қабул қилиш амалиёти кенгайиб бормоқда. Шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида мурожаатларнинг бошқа шакли — Омбудсман ва унинг Котибияти ходимларининг шахсий қабули ҳам кенг амал қилмоқда.

Муҳокама асносида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор истақ ва тавсияларни баён этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунини тугади.

2014 йил 11 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини **Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини** муҳокама қилишдан бошладилар. Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти Давлат раҳбари томонидан 2013 йил 18 январда бўлиб ўтган, 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўълаланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилганлиги қайд этилди. Ҳисобот йилда ҳисоб палатаси томонидан мамлакатнинг турли вазирликлари ва идораларида 43та йўналиш бўйича 252та объектда назорат тадбирлари ўтказилди.

Бюджет қонунчилигига мувофиқ Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш устидан республика микёсида ҳам, маҳаллий кўламда ҳам тизимли назорат ташкил этилди, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги, самарадорлиги ва

(Давоми 3-бетда.)

2014-yil 12-aprel, № 30 (8679)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

мақсадга мувофиқлиги текширилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари фондларининг Давлат бюджетига жамланадиган маблағлари тўлиқ шакллантирилиши, мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан узлуксиз назорат амалга ошириб борилди. Амалга оширилган ишлар натижасида ҳисобот йилида давлат ёки ҳўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига етказилган етмиш миллиард сўмдан кўпроқ зарарнинг ўрни қоплаштишга эришилди.

Масалани муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини қўлайлаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш, молиявий ҳуқуқбузарликларни қисқартириш ва келгусида уларнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар қўришга қаратилган ўз тақлиф ва тавсияларини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини муҳокама қилиш вақтида кўрсатиб ўтилганидек, **Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2013 йилдаги** фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қўнун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга, мамлакатимизда экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида"ги Қарорини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган тадбирлар дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ушбу дастурнинг 14та асосий йўналиши бўйича 48та тадбирнинг бажарилиши таъминланди. 2013—2017

йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастурини, шунингдек, унинг асосида қабул қилинган ҳўдудий дастурларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилди.

Табиати муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши натижасида мамлакатнинг саноат корхоналарида атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш анча миқдорда — 111,6 тоннага қисқартирилди. Мамлакат минтақаларидаги ижтимоий аҳамиятга молик объектларда қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Чўнончи, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Хоразм, Самарқанд, Сирдарё ва Бўхоро вилоятларининг бир қатор ижтимоий аҳамиятга молик объектларида қўёш фотоэлектрик станцияларини тайёрлаш, монтаж қилиш ва ўрнатиш бўйича тайёргарлик ишлари тугалланди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш асносида сенаторлар Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастурларини рўёбга чиқариш борасидаги ишнинг самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қўнун ҳужжатларига риоя этилиши устидан таъсирчан экологик назорат ўрнатиш бўйича қўшимча чоралар қўриш юзасидан аниқ тақлиф ва тавсияларни баён этдилар.

Сенаторлар **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қўнунлиқнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини** тингладилар. Ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар фаолиятида қўнунлиқни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, қўнун ижодкорлигини янада такомиллашти-

риш, жамиятда ҳуқуқий онгни ва ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича муайян ишлар қилинганлиги кўрсатиб ўтилди.

Айрим давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мониторинг қилиб бориш доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан тақдим этилган мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертиза қилинган. Идораий норма ижодкорлиги соҳасида вазирлик ва идораларнинг 403та ҳужжати давлат рўйхатидан ўтган.

Бунда мониторинг асносида аниқланган қўнун ҳужжатларининг бузиш ҳолларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қўнунчиликка риоя этилишини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан 18та давлат тузилмаси тизимида 16та мониторинг текшируви ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича давлат тузилмалари фаолиятида қўнун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан аниқ чоралар қўрилган.

Аниқланган камчиликлар бўйича адлия органлари томонидан қоида-бузарликларни, шунингдек, уларнинг содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шароитларни бартараф этишга, жамиятда қўнуннинг, қўнунлиқнинг устунлигини қарор топтиришга қаратилган 957та таъсир кўрсатиш чораси қўрилган. Манфатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларига идораий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган камчиликларни тўлдириш ҳамда зиддиятларни бартараф этишга қаратилган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш тақлиф қилинган, уларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар амалга оширилган.

Муҳокама жараёнида сенаторлар давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида қўнунлиқка риоя этилиши устидан тизим-

ли назоратни қўлайлаштириш, шунингдек, давлат бошқаруви органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан бир қатор тавсиялар ва тақлифларни билдирди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш масалаларини, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ваколатларига қирадиган бошқа масалаларни қўриб чиқдилар.

Қўриб чиқилган ҳамма масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг икки кўнлик мажлисида 16та масала, шу жумладан, 7та қўнун қўриб чиқилди. Демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил қўрлаштириб бориш, давлат ҳокимияти тизимини модернизациялаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ишида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги ҳамда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очiqчилиги тўғрисида»ги қўнунларнинг қабул қилинганлиги гоят муҳим аҳамиятга эга. Сенат томонидан қўриб чиқилган ва маъқулланган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қўнунларни ва бошқа қўнун ҳужжатларини рўёбга чиқариш бозор ислохотларини, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада қўрлаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатимизда ҳавфсизликни, барқарорликни ва фаровонлиқни таъминлашнинг муҳим омил бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини таъминлади.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати**

“Соғлом бола йили” Давлат дастури БМТ расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Масалан, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилиш доирасида она ва бола саломатлигини муҳофаза этишнинг миллий модели шаклланди, унинг юқори самарадорлиги бутун дўнёда ўз эътирофини қозонди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий тиббиёт тамойилларига ўтилишини ўз ичига олган биринчи бўғин соғлиқни сақлаш муассасаларининг кенг тармоғи яратилгани туфайли малакали тиббий ёрдам олишга кенг йўл очилди. Бу, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган болалар ва аёллар учун жуда катта қўлайлик яратди. Даво-

лаш-профилактика муассасаларини модернизациялаш ҳамда энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун кейинги ўн йил мобайнида 750 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланди. Бугунги кўнга келиб, Ўзбекистон жаҳонда болалар саломатлиги юзасидан энг яхши ғамхўрлик кўрсатиладиган ўнта мамлакат сафида туради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижалари ҳар томонлама баркамол ривожланган авлод тарбиясига қаратилган улкан эътиборнинг яна бир ёрқин тасдиғи бўла олади. Ўзбекистонда сифати халқаро меъёрларга жавоб берадиган 12

йиллик мажбурий таълим жойи тайилган.

Шу билан бирга, жамиятда маънавиятни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар қамраб олинган.

Оилада меҳр-муҳаббат ва ўзаро ҳўрмат муҳити, юксак ахлоқий ҳамда маънавий қадриятларнинг шаклланиши, ёш оилаларнинг оёққа туриб оли-

шида моддий ёрдам кўрсатилиши, оналик ва болалик муҳофазасининг таъминланиши, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ўзларини намоеён этишлари ҳамда қўндалик рўёғор ташвишларини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш сингари биринчи галдаги вазифалар мазкур дастурда белгиланган.

Шубҳа йўқки, оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг ўзаро ҳамжихатлиқдаги фаолияти ҳисобидангина мамлакатимиз учун фарқулода долзарб масала сифатида қўйилган ушбу вази-

фалар самарали тарзда ҳал этилиши мумкин.

Дастурда бундан ташқари бошқа эзгу ишларни ҳам ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Биз таъна-чимиз ва суянчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳўрмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳўрмат-эътиром ифодаси, деб биламиз».

“Соғлом бола йили” Давлат дастури ҳақдаги ахборот Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча расмий тиллари — инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларига таржима қилинди.

“Жаҳон” АА

Yangiliklarda yurt nafasi



✦ **Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президентини савори учун «Ташаббус — 2014» кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Фермерлар кенгаши ва «Хунарманд» уюшмаси, тегишли вазирлик ва идоралар кўмагида ташкил этилди.

«Туркистон» саройида танлов ғолиблари томонидан ишлаб чиқарилган махсулотларнинг кенг кўламли кўргазмаси ташкил этилди. Унда қишлоқ хўжалигининг энг сўнгги ютуқлари, саноат ва хунармандлик соҳасидаги янгиликлар намойиш этилди. Ушбу экспозиция ва умуман «Ташаббус — 2014» танлови истеъдодли ва фидойи тадбиркор, фермер ва хунармандларни кашф этди.

Ғолиблар учта асосий — «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери» ва «Йилнинг энг яхши хунарманди» йўналишлари, шунингдек, «Йилнинг энг ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ёшлар учун энг кўп иш ўринларини ташкил қилган тадбиркор», «Энг яхши оилавий бизнес», «Менинг Ватаним — менинг фахрим» ҳамда «Йилнинг энг яхши экспортчиси» каби махсус номинациялар бўйича аниқланди.

«Ташаббус — 2014» кўрик-танлови ғолибларига дипломлар ва мамлакатимиз Президентининг савори — «Spark» автомобиллари, махсус номинациялар савдордорларига эса пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

✦ **Бухорода умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Инглиз тили билимдони» республика интеллектуал мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган танлов ўқувчиларнинг инглиз тили бўйича билимини ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш, ёшларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Мусобақада жамоалар ўқиш ва ёзиш, оғзаки нутқни ривожлантиришга қаратилган шартлар бўйича ўз билимини синовдан ўтказди. Шунингдек, берилган мавзу бўйича тайёрланган сахна кўринишлари орқали инглиз тилида сўзлашиш малакаси ва актёрлик маҳоратини намойиш этди.

Бухоро шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Ғиждувон ва Бухоро туманлари жамоалари кўлга киритди.

— Мактабимизда чет тилини чуқур ўрганиш учун барча шартлар мавжуд, — дейди Бухоро шаҳри жамоаси вакили, 38-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Мирношхон Восиев. — Лингвафон ва компьютер хоналари биз, ўқувчилар иштиёрида. Инглиз тилининг назарий асосларини ўрганиш баробарида эркин мулоқот қилиш кўникмасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

✦ **Нукус шаҳрида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида аънаваный тарзда ўтказиб келинган «Сиз қонунни биласизми?» республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди.**

Танловда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 4 жамоа дастлаб ўз билим юртларида яратилган шартлар ва имкониятлар ҳақида маълумот берди. Сўнгга ўқувчиларнинг кейинги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, рўй бераётган ўзгариш ва янгиликлар тўғрисидаги билими синовдан ўтказилди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 3-академик лицейнинг «Фемида» жамоаси ғолиб қилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма кўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Ажиниёв номидаги Нукус давлат педагогика институтини қошидаги 4-Чимбой академик лицейининг «Юстиция», Қўнғирот тиббиёт коллежининг «Адвокатлар» жамоасига насиб этди.

✦ **Ички ишлар вазирлигининг Тошкент Олий ҳарбий техника билим юртида «Олий ҳарбий ўқув юртларида чет тилларни ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.**

Тадбирда олий ўқув юртлари, жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Республикаси Қуроллиқ Кучлари академияси, Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Ички ишлар вазирлигининг Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби профессор-ўқитувчилари, курсантлар иштирок этди.

— Семинарда тажрибали тилшунос мутахассислар маърузаларини тингладим, — дейди Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти ўқитувчиси М.Рашидова. — Бугун кўплаб янгиликлардан хабардор бўлдим ва бу ерда олган билимлардан дарс ўтиш жараёнида фойдаланаман.

Анжуманда бошқа кўплаб масалалар ҳам муҳокама этилди. Чет тилларни, хусусан, ҳарбий муассасаларда ўқитиш услублари муаммоси, шунингдек, бу жараёнда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш масалалари иштирокчилар эътиборини тортди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Ёш тадқиқотчилар сафи кенгаймоқда

Миллий матбуот марказида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим муассасалари талабалари, ёш олимларнинг илмий фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимиз олий таълим тизимида ёшларнинг илмий-ижодий фаолиятини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, тадқиқотлар сифати ва илмий-амалий аҳамиятини янада ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида фикр юритдилар.

Анжуманда қайд этилганидек, тизимда иштирокчи, йирик ишлаб чиқариш корхонала-

ри ва турдош муассасалар билан инновацион ҳамкорликка катта эътибор қаратилмоқда. Чунинчи, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини самарали ташкил этиш мақсадида 1740 та инновацион гуруҳ тuzилди. Халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар иختисосликлари оптималлаштирилиб, вазирлик тасарруфидоги олий таълим ва илмий тадқиқот институтларида 161 та иختисослик бўйича катта илмий ходим-изланувчилар институтлари ташкил этилди. Бунинг самараси ўлароқ, 2010—2013 йилларда давлат грантлари асосидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар, ҳўжалик шартномалари бўйича олиб борилган тадқиқотларда 3000 нафардан зиёд талаба, 500 нафар мустақил изланувчи, 230 нафар катта илмий ходим-изланувчи муваффақиятли иштирок этди.

Хайриддин МУРОД,
«Ma'rifat» мухбири

Ўқитувчи ва амалиётчи талабалар учрашуви

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбозарлиқнинг олдини олиш масаласига бағишланган учрашув ўтказилди.

Жонли мулоқот шаклида ўтган тадбирда ИИБ академияси ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича амалиёт раҳбари, капитан И.Аҳмедов ва академиянинг 4-курс тингловчилари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбозарлиқнинг келиб чиқиши, сабаб ва шартлари, крими-

налогик жиҳатлари тўғрисида атрофлича фикр юритишди. Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан профилактик ҳисобга олинган вояга етмаганларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича таҳлилларини мисол тариқасида келтириб, лицей ўқитувчи ва ўқувчиларини қизиқтирган

кўлаб саволларга жавоб беришди.

— Таълим муассасамизда ана шундай учрашувларни тез-тез ташкил этиб тураемиз, — дейди академик лицей психологи Баҳодир Тўлебаев. — Бу каби учрашувлар ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини бойитиб, тўғри ва мустақил фикрлашга ўргатапти.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Ҳуқуқ билимдонлари баҳси

Чортоқ туманидаги 48-мактабда «Ҳуқуқ билимдонлари» кўрик-танловининг иккинчи босқичи ўтказилди. Иштирокчилар тест саволлари, ҳуқуқий билимдонлик, сахна кўриниши каби учта шарт бўйича беллашди.

— Танловда иштирок этган жамоалар ҳуқуқий маданият ва саводхонлиқнинг аҳамияти, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбозарлиқларнинг ёшлар ҳаёти ва келажагига салбий таъсири ҳамда бунинг олдини олиш чоралари мавзулари бўйича билимларини синаб кўришди. Ўғил-

қизларнинг дарсларда олган билимлари, улардаги ижодкорлик қобилияти шартларни бажариш жараёнида яққол намоён бўлди, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Садриддин Исоков.

Яқуний натижаларга кўра 48-умумтаълим мактаби жамоаси биринчи, 11-умумтаълим мактаби жамоаси иккинчи, 38-умумтаълим мактаби жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

С.МАМАТВАЛИЕВ,
Чортоқ тумани ХТМФМТТЭ бўлими услубчиси

Соҳибқирон меросига эҳтиром

Тошкент темир йўл транспорт касб-хунар коллежида буюк давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 678 йиллигига бағишланган «Буюк аждодларимиз — фахримиз, ғуруримиз» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Коллежнинг бир гуруҳ иқтидорли ўқувчилари томонидан тайёрланган маърузаларда Соҳибқироннинг илм-фан, маданият ривожига тутган ўрни, ҳарбий салоҳияти, бугунги қанда ҳам қадр-қимматини йўқотмаган тузуқлари ҳақида сўз юритилди.

— Бугунги тадбирда ўқувчиларимиз ўзбек ва инглиз тилида маъруза ўқигани қувончларининг, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Баҳром Жуманиёзов. — Бой маънавий меросимизни чет тил-

ларни ўзлаштириш асносида уйғунлаштириб ўргатиш етук мутахассисларни тарбиялашга хизмат қилади.

Тадбирда фаол иштирок этган иқтидорли ўқувчилар қатори номинациялар бўйича Тошкент шаҳар Миробод тумани «Қамолот» ЕИҲ томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Юнусобод туманидаги 150-умумтаълим мактабида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида оила—маҳалла—таълим муассасаси ҳамкорлигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари вакиллари, туман оилавий полиниклиси шифокорлари ҳамда ота-оналар иштирок этди.

Дастлаб тадбир қатнашчилари мактаб ўқувчилари томонидан ташкил этилган кўргазмани кўздан кечиришди. Ўқувчиларнинг турли ижод намуналари билан безатилган намоийш иштирокчиларда катта таассурот уйғотди. Шундан сўнг тадбир иштирокчилари ёш авлоднинг умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда ота-онага ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш каби эзгу фазилатларни қарор топтириш, ўқувчиларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда оила—маҳалла—таълим муассасасининг ўрни ҳусусида сўз юритдилар.

— Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини бойитишда бу каби тадбирларни тез-тез ўтказ-



зиб туриш муҳим, — дейди мактаб директори Комила Орипова. — Таълим-тарбиядаги уч томонлама ҳамкорлик фарзандларимизнинг қомил инсон бўлиб вояга етишида катта аҳамият касб этади.

Моҳичехра УРОЛОВА
Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

2014-yil 12-aprel, № 30 (8679)

Maktabga e'tibor — kelajakka e'tibor

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига кўра, 2014 йили 60,1 минг ўқувчига мўлжалланган 220та мактабни капитал реконструкция қилиш ва 160та мактабни капитал таъмирлаш, уларни ўқув жихозлари, компьютер синфлари, ўқув-лаборатория анжумлари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Жумладан, Наманган вилоятининг 22та умумий ўрта таълим муассасасида ҳам бунёдкорлик ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Янаям аниги, Инвестиция дастурига кўра, 9та умумтаълим мактабиди мукаммал қайта қуриш, 13тасида капитал таъмирлаш ишлари бажарилади. Шунингдек, 4479 ўқувчи ўрнига эга янги ўқув бинолари қад ростлайди. Мазкур ишлар учун давлат бюджети ҳисобидан 20 млрд. 248 млн. 600 минг сўм

ларга 1 млрд. 911 миллион сўм маблағ сарфланади.

— Лойиҳага мувофиқ, 270 ўринли янги ўқув биноси ва қозонхона қуришимиз, иссиқлик тизимини янгилаш, ичимлик суви тармоғини таъмирлаш, катта ҳажмдаги том ёпиш, дурдгорлик ва пардозлаш юмушларини бажаришимиз керак, — дейди бош пудратчи ташкилот — «Оташ» хусусий корхонаси иш юритувчиси Рустамжон Азизов. — Ҳозиргача режалаштирилган ишларнинг барчаси кун-

ларимизнинг қувончларини сўз билан ифодалаш қийин.

Пардозлаш ишлари бораётган асосий бинода Соҳибжон Дадахонов бошчилигидаги бўёқчилар шифт ва деворларга дастлабки ишлов бераётган экан. Меҳнат унумига қараганда бу ерда юмушлар тез кунда тугалланиши сезилиб турибди.

— Жамоамизда жуда ғайратли ва меҳнатсевар қурувчилар жамланган, — дейди гурур билан Соҳибжон. — Ўтган йили шу тумандаги 61-умумтаълим мактабини таъмирлаган эдик. Ишимиз сифатли чиққанидан, ўқитувчию-ўқувчилар, ота-оналарнинг миннатдорликларини эшитиб мамнун бўлдик. Бу йил ҳам устозларимизнинг, болажонларнинг олқишини оламиз,

КЎРКАМЛАШАЁТГАН ЗИЁ МАСКАНЛАРИ

маблағ ажратилган. Бундан ташқари, маҳаллий имкониятдан фойдаланган ҳолда, бир неча билим маскани ва мактабгача таълим муассасасини жорий таъмирлаш, янги спорт заллари барпо этиш кўзда тутилган.

Айни кунларда режага қиритилган барча таълим даргоҳларида қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал суръатда олиб бориламоқда. Асосий эътибор бунёдкорлик юмушларининг си-

ма-кун ва бандма-банд бажариламоқда. Қурилиш юмушларига 70 нафар бунёдкор жалб этилган.

Мактаб директори Нўмонжон Саидхамедов ҳамроҳлигида улкан қурилиш майдонига айланган мактаб билан танишамиз. Унинг айтишича, билим масканининг илк биноси ўтган асрнинг 70-йилларида бунёд этилган. Ўқувчи сони ортгани кейинчалик қўшимча бино қуришга сабаб бўлган. Шу боис

деб астойдил ҳаракат қиляямиз.

Соҳибжон сингари тажрибали ва қўли гул усталардан иборат яна бир бўлинка эски эшик ва ромларни замонавийсига алмаштирмакда. Рустамжон Ҳамидов етакчилигидаги қурувчилар эса деворга совуқ ўтказмайдиган синтетик материал қоплаётган экан. Бу катталар учун янгилик бўлмаса-да, ўқувчилар учун қизиқ. Мактаб директори таъкидлаганидек, дарслари тугаган икки ўқувчи янгиланаётган қадрдон мактабларига шошилишган кўринади, зўр бериб янгиликларни муҳокама қилишарди.

— Замонавий эшик-ромлар синфхоналарда қишда иссиқ сақланиб туришини таъминлайди, — дерди бири.

— Шовқини ҳам пасайтиради, — дейди иккинчиси.

Ўқувчилар билан суҳбатлашиш ниятида шу томон бораётганимизда бизга пешвоз келаётганларни кўриб тўхтадик. Улар мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилноза Исмаиловна ва ота-оналар қўмитаси раиси Бахтиёр Холматов экан.

— Биласизми, мактабимиз улкан бунёдкорлик майдонини эслатади, — дейди Дилноза Исмаиловна. — Чин маънода умумхалқ иши дейиш мумкин. Ёшу қари, ўқувчию ўқитувчи, ота-оналар бу хайрли юмушдан четда эмас. Кимдир сувоқчиларга қўлаклаган, бошқаси гишт терувчиларга, қўйинг-чи, ҳамманинг нияти бир — тезроқ таълим масканини битириш.

Асосий бино пештоқига илинган лавҳадан аён бўлдики, бу ерда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари Мустақиллик байрами арафасида якунланиши ва янги мактаб фойдаланишга топширилиши керак. Демак, янгиқўрғонлик ёшларнинг орзулари ушаладиган кун узоқ эмас.

Ганишер АҚБАРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

«ОЙНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФАН ЎҚИТУВЧИСИ»

мазкур кўрик-танлов ўқитувчилар ўртасида доимий соғлом рақобат муҳитини юзага келтириш ҳамда педагогларнинг илғор тажрибаларини мунтазам равишда оммалаштириш имконини бермоқда

Хоразм вилояти умумтаълим мактабларида таълим-тарбия сифатини янада юксалтириш, педагог кадрлар салоҳиятини ошириш, илғор ўқитувчиларни мунтазам рағбатлантириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, халқ таълими бошқармасининг 2014 йил 7 январдаги буйруғига асосан педагоглар ўртасида «Ойнинг энг яхши фан ўқитувчиси» вилоят кўрик-танлови уч босқичда (мактаб, туман (шаҳар), вилоят) ўтказила бошлади.

Кўрик-танлов вилоят мактабларида фаолият юритаётган барча устоз-мураббийларни қамраб олишга, энг илғорларини аниқлаб, муносиб рағбатлантириш, тажрибаларини оммалаштириш, малакали педагоглар банкни яратиш, дарсларни миллий кадриятларимизни синг-жаҳон стандартлари даражасида, амалдаги ўқув дастурлари ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этиш, мактаблардаги мавжуд замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан самарали фойдаланиш ва ўқитишнинг илғор услубларини амалга татбиқ этишга хизмат қилади.

Низомга кўра, иштирокчи ўқитувчиларнинг таълим сифатини оширишга доир ислохотлар мазмун-моҳиятини қай даражада билиши, ўз фикрини назарий ифода қилиш малакаси, дарс ишланмасини яратиш ва нотаниш синфда бир соатлик намунавий дарс ташкил этиш, ўқувчиларни мавзуга қизиқтира олиш маҳорати уч шарт асосида синовдан ўтказилади.

Танлов январдан майгача — беш ой давомида ўтказилиши кўзда тутилган. Қоидага мувофиқ, кўрик-танловнинг синов дарслари биринчи ойда 5-синфларда, иккинчи ойда 6-, учинчи ойда 7-, тўртинчи ойда 8- ва бешинчи ойда 9-синфларда ташкил қилинади. Ҳар ойнинг 20-санасига қадар вилоятдаги 11та туман ва шаҳардан 16 нафар(барча умумтаълим фанларидан бир нафар)дан ғолиб аниқланиб, вилоят босқичига йўлланма олмақда. Якуний босқич ҳар ойнинг охирида бўлиб ўтади. Ғолиблар вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда ҳомийлар кўмағида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланапти.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ҳар ойда 176 нафардан, беш ой давомида 880 ўқитувчи танловнинг вилоят босқичида қатнашади. Қўйи босқичларда эса вилоятдаги деярли барча педагоглар қамраб олинади. Бу танловнинг аҳамияти нақадар катта эканидан далолатдир.

Иштирокчиларнинг кўрсаткичлари ҳолисона баҳолашини таъминлаш мақсадида ҳакамлар гуруҳини шакллантиришга катта эътибор берилди. Таркибга вилоят методика маркази методисти, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мутахассислари ҳамда илғор фан ўқитувчилари жалб этилган.

Ўқитувчиларнинг вақтинчи ортиқча банд этмаслик, дарсларига ҳалал бермаслик учун тадбирлар ўтказиладиган жой ва вақтни аниқ белгилаб, олинган маълум қилишга, намунавий дарслар шу чорак мавзулари асосида ўтилишини таъминлашга интилаётган. Кўрик-танловда педагогларнинг ўзаро тажриба алмашиши, очик дарсларни бошқа ўқитувчилар ҳам кузатиб бориши учун барча шароитлар яратилган.

Ўтган уч ойлик якунларини таҳлил этганда, кўрик-танлов кутилгандек самарали бўлди: ўқитувчиларни ўз устида ишлашга, илмий-педагогик изланишга, янгилаш ўқитиш методларини яратиш ва ҳаётга татбиқ этишга, энг муҳими, соғлом рақобатга ундаяпти. Иштирокчилардан қабул қилинган ўйлаб ўзига хос дарс ишланмаларини тегишли тартибда кўриб чиқиб, оммалаштириш масалалари муҳокама этилмақда.

Ойгул ЖУМАНИЁЗОВА,
Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси методисти



Инвестиция дастурига кўра, Наманган вилоятида 9та умумтаълим мактабиди мукаммал қайта қуриш, 13тасида капитал таъмирлаш ишлари бажарилади. Шунингдек, 4479 ўқувчи ўрнига эга янги ўқув бинолари қад ростлайди.

фатини таъминлаш ва ўз муддатида якунлашга қаратилган.

Янгиқўрғон туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактаби қурувчиларнинг саъй-ҳаракати туфайли тобора кўркамлашиб бораётган иншоотлардан бири. Бу ерда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари қўламини тасаввур этиш учун кўз олдингизга туман марказида салкам 3 гектар майдонни эгаллаган мактабни келтиринг. Худуди ва контингенти жиҳатидан вилоятдаги энг йирик таълим масканларидан ҳисобланган ушбу зиё масканида 1936 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Синф хоналари ва фан кабинетларининг сони 64та. Шунинг ўзи ҳам мазкур иншоотда бажарилиши белгиланган таъмирлаш ишларининг салмоғи катталигини билдириб турибди. Агар рақамлар билан ифода қилинган бўлса, бу иш-

катта майдонни эгаллаган мактабдаги қўшимча иншоотлар ва ёрдамчи биноларни ҳам санаганда 14дан ортиқ.

— Мана шу рўпарамиздаги бинода кимё, физика ва биология фани хоналари ва лабораториялар жойлаштирилди, — дея таъкидлайди директор. — Ёнидагиси эса спорт зали. Чап томонимизда қад ростлаётган меҳнат таълими устaxonаси. Бир сўз билан айтганда, мактабимиз гўёки қайтадан қад ростлаяпти. Шу кунларни орзиқиб кутгандик. Биласизми, вақтинча бошқа жойга кўчиб ўқиётган ўқувчиларимиз ҳам дарслар тугади дегунча шу ерга ошиқишади. Мактабимиз куноша ўзгариб, янги қиёфа касб этаётганини кўриб, севинчиларини ичларига сиғдиролмай устозлари билан ўртоқлашадилар. Педагог-

Кичик ёшли ўқувчиларга чет тилларни ўргатиш машғулоти кизиқарли бўлишига интиламан. Дарсликдаги мавзуларга ижодий ёндашиб, дарсни кўпроқ мулоқот тариқасида, машқ ва ўйин усулида олиб бораман. Хорижий тилларда намоёниш этиладиган телекўрсатувлардан фойдалана

O'ynab, so'zlab o'rganamiz

ман. Ўғил-қизлар ёввойи ҳайвонларнинг инглиз тилида айтилиши бўйича дастлабки кўникмага эга бўлишди.

2-машқда шу мавзудаги болаларбоп телекўрсатувдан фойдаланаман. Уни дарсда қўйиб кўрсатаман. Бу машқ орқали ўқувчилар ёввойи

In the wood.
I can see.
So many animals.

Look at me.

Бу орқали талаффуз кўникмаларини мустаҳкамлайдилар. Қолаверса, чигилёзди машқи вази

5-машқда ҳам икки гуруҳдан биттадан ўқувчи чиқади. Ёввойи ҳайвонларнинг катта-кичиклиги-

5 МАШҚДАН ИБОРАТ МАШҒУЛОТ

ранг-баранг ва қизиқарли ўтади

ниш ҳам яхши самара берапти.

Дарс давомида қўллангани турли расмлар, жадваллар, санок чўплар, юмшоқ ўйинчоқлар мактаб оstonасини эндигина ҳатлаб ўтган болажонларнинг тил ўрганишига иштиёқини оширомоқда. Мисол учун, **1-синф ўқувчиларига «Wild animals» (Ёввойи ҳайвонлар)** мавзуси тушутирилётганда машғулот бешта машқдан иборат бўлади.

1-машқда ёввойи ҳайвонлар расмини кўрсатиб, инглиз тилида қандай аталишини айтаман. Хотирада мустаҳкам ўрнашиб қолиши учун тақорлашларини сўрай-

ҳайвонларнинг кўриниши, яшаш тарзи ҳамда номларининг инглиз тилида талаффуз қилинишини оson ўрганади.

3-машқ эса ўйин тариқасида олиб борилади. Ёввойи ҳайвонларнинг расми тескари қилиб қўйилади ва ўқувчилар уч гуруҳга бўлинади. Хар бир гуруҳдан бир ўқувчи чиқиб расм танлайди ва унда кўрсатилган ҳайвоннинг инглиз тилида айтилишини ўрганиб келиш уйга вазифа қилиб топширилади.

4-машқда куйидаги шеърни биргаликда айтдиладар:

га кўра (big and small) расмларини ажратиб, досканинг икки томони-га илтишад. Шу орқали бошқа ҳайвонлар ҳақидаги тасаввурлар янада тўлиқ бўлади.

Ёввойи ҳайвонларнинг расмини чизиб, мос ранг-да бўяш ҳамда инглиз тилида айтилишини ўрганиб келиш уйга вазифа қилиб топширилади.

Дарсликда берилган мавзунинг ранг-баранг ва қизиқарли қилиб тушутириш ўқитувчининг иходкорлигига боғлиқ.

Мафтуна СОДИКОВА,
Зангиота туманидаги
14-умумтаълим
мактаби
ўқитувчиси

ДИРЕКТОР СОАТИ

ўзлаштириш, даволат ва интизомни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаяпти

Марҳамат туманидаги 31-ИДУМИда бир неча йилдирки «Директор соати» тадбири орқали яхши самараларга эришилмоқда. Таълим масканида мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги мустаҳкам йўлга қўйилган бўлиб, асосий эътибор болаларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга қаратилган. «Директор соати»да ўқувчилар билими, ўзлаштириш даражаси, ҳулиш ва жамоат ишлариди иштироки ота-оналар, муаллимлар, мактаб-интернат раҳбарияти билан биргаликда тахлил қилиб борилади.

Мақсад мактабимиздаги ҳар бир ўқувчининг интеллектуал даражаси, салоҳияти, интилиш ва қизиқиши, ютук ва камчиликлари, қайсидир фандан бўйлиқларини аниқлаш ва ўқувчиға керакли ёрдамни беришдан иборатдир, — дейди ИДУМИ директори Холмуҳаммад Сулаймонов.

«Директор соати» ҳар бир синфда ойда бир мартадан мунтазам ўтказиб борилади. Синф раҳбарлари бошланаётган ой давомида ўқувчиларининг фанлардан ўзлаштириши, тўғараклардаги, тадбирлардаги иштироки, даво-

мати ва ҳулиш бўйича маълумотлар тайёрлайди ва тақдим этади. Мактаб маъмурияти эса шу ой давомида ўқувчилардан икки ёки уч фандан назорат иши олиб, уларнинг билимидаги бўйлиқлар бо-

ди ота-оналардан бири Исомиддин Нодиров. — «Директор соати» биз, ота-оналарға жуда маъқул бўлаяпти. Чунки уйда ҳар доим ҳам фарзандимиз учун вақт ажратиш қийин. Бу тадбир ота-оналарни фаолликка қораяпти.

Ютуқлари алоҳида эътироф этилган аълочи ўқувчиларнинг ота-онаси ва маҳалласига ташаккур-номалар берилади. Энг асосийси, ўқувчилар билимини яхшилаш борисида самарадорликка эришила-пти.

— Хар ойда бир марта ўтказиладиған «Директор соати» биз муаллимлар зиммасига ҳам катта масъулият юклямоқда, — дейди Ҳайитбой Салимов. — Чунки ўқувчи эришаётган ютук ҳам, билимидаги бўйлиқ ҳам ўқитувчининг қай даражада фаолият кўрсатаётганига боғлиқ. Ҳамкорликдаги тахлиллар мактабимиздаги ҳар бир ўқитувчи меҳнатига аниқ ва ҳолис баҳони беради.

«Директор соати»да қўллаб ота-оналар томонидан Дилфоза Абдуманнобова, Ҳамробек Давронов каби муаллимларға ташаккур билдирилди.

Орифжон СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Tashabbus

расида ота-оналарға ахборот беради. Шу тариқа ўқувчиларнинг ҳар бир фандан қандай натижага эришаётгани ота-оналар ва муаллимлар томонидан ўрганилади.

«Директор соати»да ана шу натижалар қўриб чиқилади ва ўқувчилар томонидан йўл қўйилган камчилиш ва нуқсонларни тугатиш чора-тадбирлари белгиланади. Ўзлаштириш борисида қийналаётган фанлардан қўшимча дарс соатлари қўйилади. Бу ишда тажрибали муаллимлар, аълочи ўқувчилар ёрдамида фойдаланилади.

— Мактаб-интернатнинг 6-синфида ўқиётган қизим Муслиманинг ўқиш борасидаги ютуқлари, қизиқиш ва қобилиятлари ҳақида тўлиқ маълумотға эга бўлдим. Уйда қизим учун янада кўпроқ шароит яратишға аҳд қилдим, — дей-

СОАТ МИЛЛАРИНИНГ МАТЕМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Sinab ko'ring

Ўқув дарсликларидиған ноанъанавий мисол, масалалар ўқитувчи ва ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, соат ва минут миллириға доир масалалар устида бош қотириш педагог ва ўрганувчилар учун бирдек мароқли бўлаяпти.

Эътиборли томони шундаки, бундай масалаларни ечиш жараёнида бир вақтнинг ўзида айлана, доира, бурчак, вақт, ўлчов бирликлари, тенглама тушунчалари билан ишлашға тўғри келади. Куйида шу турдаги масалаларни ечиш усулларини баён этамиз.

Минут мили 1 дақиқада 6°, 60 минутда тўлиқ бир марта айланиб, 360° бурчакка бурилади. Соат мили эса 1 дақиқада 0,5°, 1 соатда 30° бурчакка бурилади. Энди соат ва минут мили оралигидаги бурчакка доир масалаларға эътибор қаратамиз.

1-масала. Неча дақиқадан кейин соат ва минут миллири орасидаги фарқ 187° бўлади?

Ечиш. Ҳозир соат ва минут миллири 00.00 да, яъни устма-уст ҳолатда турибди. Демак, улар орасидаги бурчак ҳам 0°. Уларни куйидаги кўринишиға келтирамыз ва биз излаётган вақтни t деб оламиз.

	Неча даража бурчакка бурилгани	Қанча вақт юргани	Хар минутда неча даражаға бурилгани	Улар орасидаги фарқ (α)
Соат мили	x	t	0,5°	187°
Минут мили	x + α	t	6°	

$\begin{cases} x = 0,5^\circ t, \\ x + \alpha = 6^\circ t \end{cases}$ Бу системадаги α нинг ўрниға 187° ни қўйиб, ўрниға қўйиш усули билан ечиб, t=34 минутни ҳосил қиламыз. Демак, 34 дақиқадан кейин улар орасидаги бурчак 187° бўлади.

2-масала. Ҳозир соат 5.00. Неча минутдан кейин соат ва минут миллири устма-уст тушади?

Ечиш. Дастлабки ҳолатда соат ва минут миллири орасидаги бурчак 150°. Соат мили x бурчакка бурилганда минут мили 150°+x бурчакка бурилади.

	Неча даража бурчакка бурилгани	Қанча вақт юргани	Хар дақиқада неча даражаға бурилгани	Дастлаб улар орасидаги бурчак
Соат мили	x	t	0,5°	150°
Минут мили	x + 150°	t	6°	

$$\begin{cases} x + 150^\circ = 6t \\ x = 0,5t \end{cases} \quad \text{Бу системани ҳадма-ҳад айириб, } t = 27 \frac{3}{11} \text{ минутни топлдик. Демак, } t = 27 \frac{3}{11} \text{ минутдан кейин соат ва минут миллири устма-уст тушади.}$$

3-масала. Соат 7 дан 39 дақиқа ўтганда соат ва минут миллири орасидаги бурчакни топлнг.

Ечиш. Дастлаб соат 7.00 ни кўрсатганда соат ва минут миллири орасидаги бурчак 210° бўлади. Соат мили бурчакни 39 минутда 0,5° билан босиб ўтади. Бу вақтда минут мили 210°+α+x бурчакни 6° билан босиб ўтади. Изланаётган бурчак x бўлсин.

	Неча даража бурчакка бурилгани	Қанча вақт юргани (минут)	Хар минутда неча даражаға бурилгани	Дастлаб улар орасидаги бурчак
Соат мили	α	39	0,5°	210°
Минут мили	α + x + 210°	39	6°	

$$\begin{cases} 210^\circ + x + \alpha = 6^\circ \cdot 39, \\ \alpha = 0,5^\circ \cdot 39 \end{cases} \quad \text{Бу системани ечиб, } x = 4,5^\circ \text{ эканини топламиз.}$$

4-масала. Соат 11 дан 7 дақиқа ўтганда минут ва соат миллири орасидаги бурчакни топлнг.

Ечиш. Дастлабки ҳолатда соат 11 да соат ва минут миллири орасидаги бурчак 30° га тенг. Минут мили 7 дақиқада 6° дан x=42° бурчакка бурилади. 7 минутда соат мили 0,5° дан = 3,5° бурчакка бурилади. Шунда соат ва минут мили орасидаги бурчак y+x=26,5°+42°=68,5° га тенг.

Хуллас, бу усулдан фойдаланиб масала ечиш ўқитувчиға дарс самарадорлигини ошириш имконини берса, ўқувчи онгида математика — қизиқарли фан, деган тушунчани қарор топтиради.

Бувғилос АБДУКОДИРОВА,
Жиззах шаҳридаги Сайилжой академик лицейининг
олий тоифали математика фани ўқитувчиси,
Аҳмадқул ТИЛАГОВ,
Жиззах шаҳридаги 3-мактабнинг олий тоифали
математика фани ўқитувчиси

2014-yil 12-aprel, № 30 (8679)

Бугунги кун ўқувчиси билим, малака, кўникмаларни эгаллаш баробарида уларни амалиётда тўғри қўлай олиши ҳам лозим. Шу мақсадда республика-миздаги 28та умумтаълим мактаби, 14та академик лицей ва 14та касб-хунар коллежида умумтаълим фанлари бўйича узлуксиз таълимнинг компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари лойиҳалари синовдан ўтказилмоқда. Аввало, таълимда компетенциявий ёндашув нима, деган саволга жавоб бериб ўтсак. Бу ўқувчиларни эгаллаган турли тиндаги малакаларини шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётларида учрайдиган вазиятларда самарали равишда қўллашга ўргатишдир. Жараёнда олдиндан кўзда тутилмаган ноаниқ, янги, муаммолар вазиятлар вужудга келганда асқотадиган малакаларга алоҳида аҳамият берилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон ҳаётида учрайдиган мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун кўйидаги таянч компетенцияларга эга бўлиши керак.

Коммуникатив компетенция:

- жамиятда ўзаро мулоқотга киришиш учун она тили ва бирорта хорижий тилни мукамал ўзлаштириш ҳамда мулоқотда самарали фойдалана олиш;
- фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ, тушунарли баён қилиб, саволларни тўғри қўя олиш ва жавоб бериш;
- ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлаш олиш;
- суҳбатдош фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз позициясини ҳимоя қилиш, уни ишонтира билиш;
- зиддиятли вазиятларда эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур(конструктив) қарорларни қабул қила олиш.

Ахборот билан ишлаш компетенцияси:

- мавжуд ахборот манбаларидан (интернет, телевизор, радио (аудио-видео ёзув), телефон, компьютер, электрон почта ва бошқ.) фойдалана олиш;
- медиа воситалардан зарур ахборотларни излаб топиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланиш маданиятига риоя қилиш;
- маълумотлар базасини ярата олиш, асосийларини танлаш ва уларни таҳлил қила билиш;
- кундалик фаолиятда учрайдиган ҳужжатлар билан ишлаш(оддий табриқномалар ёза олиш, аңкеталарни тўлдириш, меҳмонхона рўйхатида ўзи тўғрисидаги маълумотларни қайд эта олиш).

Шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси:

- шахс сифатида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириш, жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга интилиш;
- ҳаёт давомидида ўқиб-ўрганиш, билим, тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш;
- ҳатти-ҳаракатини адекват баҳолаш, ўзини назорат қила билиш, ҳалоллик, тўғрилиқ каби сифатларга эга бўлиш;
- ўқиб-ўрганганлари ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланган ҳолда кундалик турмушда учрайдиган муаммоларни ҳал эта олиш.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:

- жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш;
- ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиши, унга риоя қилиш (яъни харидор, сайловчи, миждоз, ишлаб чиқарувчи сифатида фаолият юрита олиш);
- меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала, иқтисодий, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш;
- касбий мавқеининг ўсишига интилиш билан жамият ва оиласи манфаатлари учун хизмат қилиш, ёрдамга муҳтожларга саховатли бўлиш.

Умуммаданий компетенциялар:

- ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга содиқ бўлиш;
- санъат асарларини тушуниш;
- кийиниш, юриш-туриш меъёрларига ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш;

- умумбашарий аҳамиятга эга қадриятларни(урф-одатлар, маросимлар, миллий-маданий аънавалар) билиш, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- ўғаларга меҳр-мурувватли, саний бўлиш, дунёқараши, эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, аънава ва маросимларини ҳурмат қилиш;
- халқнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асраш, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш.

ФИЗИКА ТАЪЛИМИГА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ

ёҳуд ўқитиш технологияларини танлашда педагогик ташхиснинг муҳимлиги хусусида

Математик саводхонлик, фантехника янгилкларида хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:

- аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларни туза олиш;
- шахсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб билан иш юритиш;
- кундалик фаолиятда турли формула, модел, чизма, график ва диаграммаларни қўйи олиш ва фойдаланиш;
- инсон меҳнатини энгиллаштирадиган, меҳнат умумдорлигини оширадиган ва кулай шарт-шароит яратадиган фан-техника янгилкларида хабардор бўлиш ҳамда фойдалана олиш.

Ўқоридагилар комил инсонни тарбиялашдаги таянч компетенциялар ҳисобланади. Шу билан биргаликда мактаб таълимида айрим ўқув предметиға тегишли компетенциялар ҳам шакллантирилади. Масалан, физика ўқув предметида:

- * физик жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш;
- * физик катталикларни ўлчаш ва аниқлаш;
- * тажрибалар ўтказиш ва ҳулосалар чиқариш;
- * физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш.

Ушбу компетенцияларнинг айримлари бир неча турдош предметларга тегишли бўлиши ҳам мумкин. Масалан, "Жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш", "Тажрибалар ўтказиш ва ҳулосалар чиқариш" каби компетенциялар бир вақтда физика ва кимё ўқув предметларига тегишлидир.

Мактаб таълимида ўқувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусияти ҳисобга олинган ҳолда таянч ҳамда ўқув компетенциялар параллел равишда шакллантирилади.

Физика ўқув предмети сифатида таянч компетенцияларни шакллантириш учун етарли даражада имкониятларга эга. Бу ўқув предметидаги барча техник қўрилмаларнинг асоси сифатида намоён бўлиши, эгалланган

билимларни ҳаётда қўллаш имкониятлари кўпчилиги билан белгиланади. Шу билан бирга, физикани ўрганиш жараёнида ўқувчи билишининг барча босқичлари (кузатиш → гипотеза → тажриба ўтказиш → мушоҳада қилиш ва натижаларни умумлаштириш)дан ўтади.

Таянч компетенциялар таркибига кирган коммуникатив компетенция жорий назоратлар даврида оғзаки сўров, уй вазифаларини бажарганлиги, синфдошларнинг тушунтиришларини аңғай олиши, баҳсга киришиш кабилар орқали шакллантирилса, ахборот билан ишлаш компетенциясини дарслик ва ўқув қўлланмалар билан ишлаш, бадиий адабиёт, кинофильмлардан физик жараён, ҳодиса, қонун ҳамда қоидалар қўлланилган вазиятлар тўғрисида маълумотларни излаб топиш, уларни тушунтириш орқали ривожлантириш мумкин. Шу билан ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси ҳам шакллантириб борилади. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясига оид кўникмаларни дарс жараёнида гуруҳларда ишлаш, ролли ўйинлар каби усулларни қўллаб ҳосил қилиш мумкин.

— тизимлилик таъминланиши, ташхислаш бутун ўқув йилини камраб олиши керак;

— ота-оналар, мутахассислар ва бошқалар ўқувчилар қандай кўникма ва малакаларга эга бўлишини билиши зарур.

Бошланғич ташхисни 6-синфларда ўқув йилининг биринчи ярмида, сўнгра ҳар чорак охирида ўтказиш мақсадга мувофиқ. Қолган синфларда ҳар чоракда ўтказилади.

Ўқувчиларнинг таълимга эҳтиёжини ўрганиш усулларидан бири бу — кузатишдир. Кузатиш ишлари дарсда ва дарсдан ташқари пайтда ҳам ўтказилиши керак. Бунда қайси мавзудаги китобларни кўпроқ ўқиши, қандай тўғрақ катнаши, саёхатга чиққанида, музейга борганида, кўргазмаларда ўзини тутиши ҳам ҳисобга олинади.

Кузатиш жараёнида ўқувчининг қизиқиши ва маъқул кўрадиган фаолияти билан биргаликда таянч компетенциялар таркибига кирувчи билим, кўникмаларга эҳтиёжларини аниқлаш керак. Масалан, ахборот билан ишлаш компетенциясига эҳтиёжи бор ўқувчи физика бўйича қўшимча ахборотларни қаердан олиш мумкинлигини сўрайди. Тажриба намойишларини кузатишга қизиқади. Уй вазифаси сифатида тажриба ўтказишни танлаб олади. Ижодий фаолият компетенциясига эҳтиёж сезса, масалаларни ностандарт усулларни қўллаб ечади, техник характерга эга масалаларга қизиқади, уйда маиший-техник асбоблар ёрдамида тажрибалар ўтказиш, кўлда физик асбоблар, моделлар тайёрлайди.

Ўқувчиларнинг таълим эҳтиёжларини аниқлашнинг яна бир самарали усули анкета ўтказишдир. Бунда ўқувчилар анкетадаги саволларнинг асл мақсадини билмаганлари маъқул. Иложи бўлса, саволнинг мазмунини сақлаб қолган ҳолда, шаклини ўзгартириб қайта ўтказиш керак.

Сўровнома орқали олинган ахборотни тасдиқлаш (инкор қилиш) учун суҳбат ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шунда ўқувчининг шахсий хусусиятлари чуқурроқ ўрганиб олинади.

Ўқувчининг таълим эҳтиёжларини аниқлаш учун синф раҳбари, бошқа фан ўқитувчилари, ўқувчининг ота-онаси ҳамда синфдошлари билан суҳбат ўтказиш лозим.

Ўқувчининг мотивациясини аниқлашнинг яна бир усули унинг ижодий равишда яратган маҳсулотлари(ясаган оддий физик асбоблари, моделлари, ёзма матнлари, рефератини) ўрганишдир.

Ўқувчиларнинг мотивациясини ўрганиш учун эксперт баҳолашни ҳам қўллаш мумкин. Бунда айнан ўқувчи мотивациясига оид бир хил саволлар шу синфда дарс берадиган турли фан ўқитувчиларига берилади. Жавобларни солиштириб, объектив ҳулоса чиқариш мумкин.

Ташхислаш ишини таълим муҳитини ўрганмасдан туриб тўлақонли ўтказиб бўлмайди. Бунга мактабдаги, уйдаги ва мактабдан ташқаридаги муҳит қиради. Таълим муҳитининг ҳолатини ҳам суҳбат ва анкета орқали аниқлаш тавсия қилинади.

Ташхислаш натижаларининг ишонарли бўлиши учун ўқувчиларга ўз-ўзини ташхислаш варағини тўлдириш тавсия қилинади. Ўқувчи ота-онаси ёрдамида бу варақларда ёзилган таянч компетенцияларга тегишли билим, кўникма, малака ва амалиётда қўллаш тажрибаларига оид жойларни тўлдиради.

Ўқувчининг қизиқишлари, таянч компетенцияда белгиланган эҳтиёжлари, ўқувчи маъқул кўрадиган фаолият турлари аниқланганидан сўнг, ўқитувчи олдиға мазкур талабларни қандай бажариш вазифаси қўйилади.

Нарзикул ТУРДИЕВ,
Республика таълим маркази директори ўринбосари,
физика-математика фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

Коллежимиздаги "Ёш табиатшунослар" тўғраги аъзолари билан Моргузар тоғ тизмалари ёнбағрида жойлашган Коровултепа сув омборида бўлиб, сўлим гўшанинг бой табиати билан яқиндан танишдик.

Бу маскан баҳаволиги, озуқа ва дон-дунга мўллиги боис турли ноёб қушларнинг мавсумий кўнимгоҳига айланган. Кунлар иссиқи

қушлар машаққатли йўл босиб, ҳавзага етиб келади. Гала-гала бўлиб сузаётган балиқларни ҳуркитганча саёзлик томон

Tabiat va biz

гулларда шабнам йилтиллаб кўринади. Тўғрак аъзолари саёҳат давомида сув омборидаги иқлим, хайвонот ва наботот оламидаги турфа хилликни, кўрган-кечирганларини қайд этиб боришди.

НОЁБ ҚУШЛАР ОЛАМИ

билан сув омбори соҳиллари турфа қушларнинг чўғур-чўғурига тўлиб кетади. Паррандалар тумшук ва панжаларини сувга чайиб, қанотларини кенг ёйганча офтоб нурида тобланади. Биринчилардан бўлиб ноёб оқушлар, ёввойи ғоз, ўрдақлар соҳил бўйидаги хавфхатардан холи жойларда ин қуради. Эпчил, серҳаракат турналар ҳам сўлим масканни ошан тугтиб, узок парвозгача куч тўплайди. Сўнг вазмин сақо-

ҳайдаб, осонгина ўлжа қилади.

Қарқара, оқ лайлак, чағалай, лойхурақлар ҳам сув омборининг доимий меҳмонларидан. Улар ҳар йили келиб, баъзилари эски уяларини тиклашга, қолганлари янгида ин қуришга киришади. Тухум қўйиб, полапон очишади. Ҳар қайсиси соҳилда ризқини териб, наслини давом эттиради...

Бу йил киш серёгин келгани боис сув мўл. Кўклам чечаклари хуш бўй таратади, бир туп олча шохидаги оппоқ

Бу уларнинг фанга доир назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш имконини берди.

Сайфиддин НОРҚУЗИЕВ,
Ғаллаорол тиббиёт коллежи ўқитувчиси



ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ БЎЛАМИЗ

Ёшларга қаратилаётган эътибор, билдирилган ишонч бизни янги-янги марраларга чорлайди. Бундай чексиз ғамхўрликларга салмоқли ютуқларимиз билан жавоб беришимиз керак.

2010 йили Қозоғистонда бўлиб ўтган 51-Халқаро математика олимпиадасида иштирок этдим. Унда 97 мамлакатдан қатнашган 500дан ортиқ ёшлар орасида кумуш медаль соҳиби бўлдим.

2010—2014 йилларда республикамиз ва хориж матбуотида 30дан ортиқ илмий-оммабоп мақолаларим чоп этилди. Тадқиқот ва изланишлар

Faxr

рим юқори баҳоланиб, 2011 йили Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори ҳамда 2012-2013 ўқув йилида Мирзо Улўғбек номидаги давлат стипендияси соҳиби бўлдим. Жорий йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига муносиб

кўрилдим. Аини кунда устозларим — СамДУ доценти Зебунисо Ашурова ҳамда профессор И.Икромов илмий раҳбарлигида «Гармоник ва полигармоник функцияларнинг баъзи хоссалари» мавзусида тадқиқот ишлари билан шуғулланяпман.

Бу ютуқларимнинг барчасини юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг самараси деб биламан.

Умида ЖЎРАЕВА,
СамДУ механика-математика факультети талабаси

Бўлажак ўқитувчини тайёрлашнинг муҳим босқичларидан бири педагогик амалиётдир. Олий таълим муассасасида эгалланган назарий билимлар, малака ва кўникмалар умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида амалиёт давомида синовдан ўтади, ривожлантирилади.

АМАЛИЁТ — САРҲИСОБ ПАЛЛАСИ

Мазкур жараёнда ҳар бир талаба ўқш даврида тўплаган билимларидан комплекс тарзда фойдаланишига тўғри келади. Педагогик амалиёт даврида ўқш жараёнидаги камчиликлар яққол кўриниб қолади. Амалиётчининг ёши у раҳбарлик қилаётган ўқувчилар ёшидан жуда кам фаркланади. Амалиётнинг биринчи кунидан ўқувчилар билан яхши муомалада бўлиш, ҳамкорлик муҳитини пайдо қилиш жуда муҳимдир. Таъриба шуни кўрсатадики, амалиётчи талаба ўқувчилар билан тўғри муносабатда бўлиб, уларга ҳайрихоҳлиги ва камтарлигини намоян қилса, тезда тил топишиб кетади.

Амалиётчи талабанинг ташқи қиёфаси ҳам муҳим роль ўйнайди. У ўқувчига намуна бўлган ҳолда одми, озода кийиниши лозим. Акс ҳолда, талаба ўқувчилардан кийиниш интимозини талаб қила олмайди. Ташқи қиёфаси, одоби, хулқи, катта ва кичикларга муомаласи билан намуна бўлган талаба амалиёт даврида турли тўсиқларга дуч келмайди.

Низомий номидаги ТДПУ касб таъ-

лими факультети сервис йўналиши талабалари 2014 йилнинг 3 февралидан Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежида педагогик амалиётни ўташди. Коллеж жамоасининг аҳиллиги, бирдамлиги ҳамда талабаларга ўз шогирди каби муносабатда бўлаётгани сабабли талабалар ўзларини жамоанинг аъзосидек ҳис этиб, меҳнат интизомига амал қилишди. Шу тўғрисида уларда касб-ойи ишонч ва барқарор педагогик қарашлар шаклланиб бораётди.

Педагогик амалиётнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан талабанинг мустақил фикрлаши ва фаоллигига, ишга ижодий ёндашишига ҳам боғлиқ. Мана шу даврда битирув-малакавий иши мавзуси бўйича талабада тадқиқот материалларини тўплаш ва умумлаштириш имконияти пайдо бўлади.

Г. НАСРИДДИНОВА
Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси

МАЪРУЗАДАН ВОЗ КЕЧМАЙМИЗ, УНИ БОЙИТАМИЗ

Кимё фанидан дарс берамиз. Маълумки, дарс амалий ва назарий соатларга ажратиб ўқитилади. Назарий машғулотларда ўқувчининг мустақил ишлашига эришиш учун бир неча усулларни қўллаш мумкин. Бунда маъруза қилишдан воз кечмаймиз, балки уни бойитамиз.

Дарсни доим янги мавзуга доир, қизиқарли ва ўйлантирувчи савол билан бошлаш жуда самаралидир. Ҳар бир тушунчани қизиқарли қилиб етказиш учун табиат, ён-атроф, кундалиқ турмуш тарзи билан болаш мумкин. Масалан,

олма ва атом зарраси ўлчамини қиёслашни Ер шари ва олма донаси ўртасидаги қиёслашга таққослаш ўқувчи хотирасида муҳрланиб қолади.

Мавзунини мустаҳкамлашда ўқувчига мантикий ёки мустақил фикрлаш

PIN BORD

Металл номи	Кимёвий белгиси	Табиатда тарқалиши	Бирикмалари	Ишлатилиш соҳалари
Натрий	Na	Бирикма ҳолида	NaCl, ...	Совун, бўёқ ишлаб чиқаришда...

га ундовчи саволларни бериш, тезкор савол-жавоб ўтказиб баҳолаш ижобий натижа беради.

Маъруза дарсларини ўтишда янги педагогик технологиялардан фой-

Sinab ko'ring

даланиб бўлмайди, деган қараш нотўғри. Масалан, «Ишқорий металллар» мавзусини ўтишда ўқитувчи «Pin bord» усулидан фойдаланиб, элементларнинг хусусиятларини тушунтириб бериши мумкин.

Кейинги дарсларда ўқувчи айнан шу усул билан бошқа мавзуга доир билимларини мустақил ёрита олади. Асосийси, мантикий фикр-

лашга ўрганади.
Диловар ШЕРОВА,
София СУЛТОНОВА,
Бухоро муҳандислик-технология институтининг 1-академик лицей ўқитувчилари

ОТАЛАР ФИКРИ — МУҲИМ

Халқимизда «Хунар, хунардан ризқинг унар», «Бир йигитга етмиш хунар оз» каби мақоллар бор. Бундай халқ ҳикматлари бевосита жамият ҳаётига кўчиб, таълим тизимида ҳам ўз ифодасини топомқда.

Жумладан, ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича мактабимизда «Оталар йиғилиши», «Оналар йиғилиши» ва ҳар иккаласини умумлаштирган ҳолда «Ота-оналар йиғилиши», «Итак ва имконият (психологик ўқув машғулоти)» каби тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Қолаверса, шаҳар миқёсида тез-тез ўтказиладиган «Касблар фестивали»да ҳам мактабимиз жамоаси саҳна кўринишлари, ўқув тренинглари билан фаол иштирок этади.

— Ўқувчиларни касбга йўналтиришда психологик тарбиянинг аҳамияти катта, — дейди Зарафшон шаҳридаги 2-мактаб директори Матлуба Тўйжонова. — Бу борада мактабимиз психологларнинг ўқув машғулотлари билан чекланиб қолмай, шаҳаримиздаги таърибали психологлар, «Баркамол авлод» болалар маркази устоз-мураббийлари, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, маҳалла фаоллари билан ҳам учрашувлар ташкил этиб тура-ми. Айниқса, бу борада «Оталар йиғилиши»нинг самараси катта бўлапти. Сабаби, ўзбек хонадонларида отанинг мавқеи юқори, унинг фикри оила аъзолари томонидан инобатга олинади. Хуллас, ўқувчиларни лаёқат ва иқтидорига муносиб касб-хунарга йўналтиришда оталарнинг кўмаги катта бўлмоқда.

Шахло КУРБОНОВА,
Зарафшон шаҳридаги 2-умумий таълим мактаби ўқитувчиси

Kasbga yo'naltirish

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети инглиз тили 3-факультети ҳамда Хорижий тилларни ўқитиш маркази билан ҳамкорликда иқтидорли талабалар учун илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Конференциянинг асосий мақсади инглиз тили йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг тил ўрганиш баробарида бошқа соҳалар, жумладан, социология, психология, иқтисодиёт, ташқи сиёсат ва таълим соҳалари бўйича ҳам билим ва кўникмаларини оширишдан иборат бўлди.

Конференцияда маърузалар фақат инглиз тилида олиб борилди. Унда ўз маърузаси билан қатнашиш истагида бўлган олий таълим муассасалари талабалари ичидан «Мен ўзимни 10 йилдан кейин қандай тасаввур этаман» (How do I

imagine myself after 10 years?) мавзусида энг намунали ишчи ёзган 40 нафари танлаб олинди.

Тадбир талабаларнинг бир-бири билан яқиндан танишишига бағишланган қизиқарли машғулотлар билан бошланди. Конференция давомида олий ўқув юртлиари, халқаро ташкилотлардан таклиф этилган мутахассислар маъруза ўқишди, талабалар ўз тақдиротларини иштирокчилар эътиборига ҳавола этишди.

Талабалар томонидан тайёрланган қисқа фильм намоиши ҳамда Глиэр номидаги республика мусиқа академик лицейида таълим олаётган ёш мусиқачиларнинг чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Жаҳонгир ЭРНАЗАРОВ,
ЎзДЖТУ инглиз тили 3-факультетининг 2-босқич талабаси

Саҳифона Санобар ЖУМАНОВА тайёрлади.

2014-yil 12-aprel, № 30 (8679)

Бугунги Ўзбекистон ёшлари мустақиллик йиллари туғилиб, замонавий билимларни эгаллаш, жисмоний ва маънавий камолга етиш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган юрtda, давлатнинг доимий ғамхўрлиги остида улғайишмоқда. Негаки, мамлакатимизнинг келажаги униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётга қандай билим ва малакалар, маънавий-ахлоқий сифатлар билан қадам қўяётганига боғлиқ. Бироқ шахснинг кенг дунёқараши ва юксак маънавий-ахлоқий бўлиб шаклланиши турли тўсиқлардан холи бўлмаган, мураккаб бир йўлдир.

Ҳозирги ахборот макони глобаллашган ҳамда замонавий ахборот технологиялари ва воситалари юксак даражада тараққий этган бир даврда кишилар, биринчи навбатда ёшлар онгони вайронкор ғоялардан ҳимоялаш янгича мазмун касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбир-

ғояларга хизмат қилади, деб бўлмайди.

Бугунги кунда CD ва DVD-дискларга "жойланган" махсусотлар орасида эротик ва порнографик мазмунга эга "асар"лар ҳам кам эмас. Одатда, бундай дискларни виждонсиз сотувчилар яширинча, кўздан пана жойларда сақлашда ҳамда "талабга кўра" сотишади. Сурбетроқлари эса растага очик-часига қўйиб қўйишдан ҳам тап

ортиқ жиноий иш кўзга тилган. Энг ачинарлиси, жиноий ишга икки нафар воғга етмаган бола — У.Олимхўжаев ва Р.Раимқулов ҳам аралашиб қолган. Уларнинг қилмишлари юзасидан тегишли қарор қабул қилиш учун воғга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига жўнатилган.

Порнографик дискларни тайёрлаб, "Янгиобод" бозорида сотиш билан шуғулланганлар орасида Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида истиқомат қиладиган Абдухайит Азаматов ва пойтахтимизнинг Ҳамза туманида яшайдиган Миртолиб Хўжаев шахси эътиборни тортади. Иккаласи ҳам бир неча мартаба судланган бўлиб, эҳтимол, шунинг учун ҳам ёшларидидаги фарқ анча бўлишига қарамасдан тезда тил топишган.

40 ёшли А.Азаматов илк бор 2005 йили ҳуқуқни муҳофаза қилиш

Ogohlik — davr talabi

бўлганлиги ва гуноҳидан ўтишни сўраб ёлворгани судда ҳукм чиқариш чоғи ҳисобга олинди. Йигитча аввал катта миқдордаги жаримага тортилди, сўнгга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди, кейин эса амнистияга тушди, аммо бу ҳам унинг тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлни танлаб олишига ёрдам бермади. М.Хўжаев порнографик махсусотларнинг қизгин олди-сотишини таъминлаш ва рақобатчиларнинг қовушини тўғрилайб қўйишда А.Азаматовнинг "энг ишонган киши"сига айланди...

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг сайё-харакатларига қарамасдан "Янгиобод" бозори ва пойтахтимизнинг яна бир қатор савдо расталарида шубҳали хусусиятга эга дисклар савдоси давом этмоқда. Энг ачинарлиси, бундай савдода ёшлар ҳам иштирок этишмоқда. Шу аснода табиий саволлар туғилади: наҳотки бу ёшларнинг ота-оналари фарзандлари нима билан машғуллиги ва улар қандай махсусотларни сотаётганлиги билан асло қизиқишмайди? Бундай бозор ва савдо нуқталари раҳбарлари қаёққа қарашаяпти? Наҳотки, моддий манфаат учун халқимиз менталитети, анъана ва урф-одатларига, турмуш тарзи, маънавий қадриятларига зид махсусотларни тайёрлаш, сотишдан ор қилмайдилар?

Таъкидлаш жоизки, жамиятнинг маънавий асосларига таҳдид соладиган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни ошириш мақсадида 2012 йилнинг 12 апрелида Жиноят кодексининг 130-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, энди нафақат порнографик махсусотларни тайёрлагани ва тарқатгани учун, балки уларни олиб юриш, реклама қилиш ва намойиш этганлик учун ҳам жавобгарлик кўзда тутилган. Бу мамлакатимизда мазкур турдаги жиноятларга қарши фаол кураш олиб борилаётганидан далолат беради. Ушбу жараёнга ҳар биримиз берадиган бўлмаслигимиз лозимлигини унутмайлик. Ахлоқсизликни, зўравонликни тарғиб этувчи бундай фильмлар инсонлар, айниқса, ёшлар маънавий оламига зарарли таъсир кўрсатади, жисмоний ривожланишига соя солади, оилалардаги соғлом муҳитга зиён еткази-ди.

Ринат САИДОВ

МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД — КЕЛАЖАККА ТАҲДИД

лар тўғрисида"ги қарори шундай эзгу мақсадларга — ёшлар онгини "оммавий маданият"нинг зарарли таъсиридан сақлаш, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга мўлжалланган лойиҳаларни амалга ошириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга йўналтирилган.

CD ва DVD-дисклар ҳам ёшлар тарбиясига таҳдид солувчи қуролга айланиши мумкин. Маълумки, бадий, мультипликацион ва ҳужжатли фильмлар, турли хил мусиқа ва ўйинлар ёзилган дискларни бугун ҳар бир хонадонда учратамиз. Афсуски, биз ҳар доим ҳам уларни болалар эшитиши ёки томоша қилиши мумкинми ё йўқлигига эътибор қаратавермаймиз, ёшларига мос ёки мос эмаслигига аҳамият бермаймиз. Баъзан ота-оналарнинг ўзлари болаларига турли хил бадий ёки мультипликацион фильмлар ёзилган дискларни мазмундан мутлақо беҳадар ҳолда, инсонга қандай маънавий озиқ бериши мумкинлиги билан қизиқмасдан бериб қўйиб, "Ўзинг билан ўзинг овора бўлиб, менга халақит бермасанг бўлди" қабилида иш тутадилар. Ёрқин этикеткалари билан ажралиб турадиган бундай дискларни мазмун-мундарижаси жиҳатдан эзгу

тортмайдилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари пайдо бўлганида эса, дарҳол бекитишга уринади.

Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари маълумотларига кўра, сўнгги йилларда зўравонлик ва порнография элементлари мавжуд бўлган фильмлар ва компьютер ўйинлари билан ноқонуний савдо-сотиқ қилиш билан боғлиқ 3500дан ортиқ ҳолат аниқланган. Ўтказилган экспертиза хулосаларига кўра, сотилган махсусотлар мазмуну ва мафқуравий мақсад-муддосига кўра икки турга бўлинади: порнография ва ахлоқсизликни тарғиб этувчи дисклар ҳамда зўравонлик, ваҳшийлик ва "оммавий маданият" элементларини акс эттирувчи дисклар.

Масалан, Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги ихтисослашган "Янгиобод" МЧЖ бозорида ўтказилган рейдлар натижасида фақатгина 2013 йил давомида 233 сотувчи дискларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланаётгани аниқланган. Д.Қамолитдинов, Ф.Мелибоев, Р.Норқўзиев, З.Абдуллаев, Р.Дехқонов ва бошқалар шулар жумласидандир. Умуман, бундай шахслар фаолияти билан боғлиқ 30 дан

органлари эътиборига бир "даста" айблар билан тушган эди — йирик миқдордаги наркотик моддаларни ноқонуний сақлаш ва истеъмол қилиш, қасддан енгил тан жароҳати етказиш, фирибгарлик. Бу "хизмат"лари учун у 5 йилу 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилиниб, кейинчалик жазо 2,5 йиллик ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган. Жазо муддатини ўтаб бўлганидан сўнг А.Азаматовнинг рисоладагидек турмуш кечириши узоққа чўзилмади. 2009 йили у яна судланувчилар курсисига ўтирди — порнографик махсусотларни тайёрлаш ва сотиш айби билан. Шундан кейин ҳам тегишли хулоса чиқара олмади. Аксинча, йирик "бизнес" билан шуғулланишига — "Янгиобод" бозорида "18+" белгили фильмлар савдосида монополистга айланишига аҳд қилди.

Бу мақсадга эришишида биографияси ўзиникига ўхшаб Миртолиб Хўжаев ёрдам берди. М.Хўжаев ҳам судланган, бироқ Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан: 2007 йили — талончилик ва фирибгарлик учун, 2009 йили эса — порнографик махсусотларни тайёрлагани ва сотганлиги учун. Унинг ёш эканлиги, айбига чин дилдан икром

ИНТЕРНЕТ ИМКОНИЯТЛАРИ

ундан маърифат ёки жаҳолат йўлида фойдаланиш мумкин

Аммо ҳар бир тараққиёт маҳсулидан ҳар қим турлича фойдаланиш мумкин. Интернет олами ҳам, компьютер қарши-сидаги одамнинг мақсадига қараб, маърифат ё қабоҳат масканига айланиб бораётгани сир эмас.

Бугун дунёда ўз таъсир доирасини кенгайтириш, кишилар онгини бошқаришга уринаётган ғаразли қучлар ҳам борки, улар интернетдан қурол сифатида фойдаланмоқда. Ҳозирги кунда ахборот оқими-нинг кўплиги боис аудитория маълумотларининг ҳаммасини таҳлил қилишга, обдон фикр юритишга улғурмайди. Совуқ симлар ортидаги қимсалар эса фақат ўз манфаатларига

хизмат қиладиган тайёр хулосаларни, ечим ва баҳоларни етказмоқчи бўлади. Бошқача айтганда, нима яхши-ю нима ёмон эканини, қайси воқеани қандай баҳолаш лозимлигини «уктириш»га уринади.

Мамлакатимиз очик ва эркин демократик жамият қуриш йўлидан бормоқда. Фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун барча шарт-шароит яратилган. Президентимиз айтганидек, жажон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир де-

вор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замон талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди.

Бугун ёшларимиз ўқув даргоҳларида интернет орқали зарур маълумотларни олиши, қутубхона ва китоблар, ўқув қўлланмаларнинг электрон вариантлари билан танишиши учун барча шароит яратилган. Чекка қишлоқларда ҳам замонавий асосда жиҳозланган, компьютер техникаси билан таъминланган таълим муассасалари фарзандларимизнинг интеллектуал салоҳиятини, истеъдодини, орзу ва истакларини рўйга чиқаришга хизмат қилаётир.

Ҳа, юртимизда интернет тизими янада ривожланмоқда. Фойдаланувчилар сони ҳам ортаётир. Асосийси, ундан қандай мақсадда фойдаланиш мумкин аҳамият касб этади. Бугун интернет тармоғи шундай «ҳазина»га айланиб бормоқдаки, қим нимами изласа топади. Демак, фарзандларимизни ундан фақат маърифат излашга ўргатиш, уларда «мафқуравий иммунитет» ҳосил қилиш ғоят муҳимдир. Юртимизда ёшларимизни соғлом тафаккур ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга қаратилаётган улкан эътибордан қўзланган мақсад ҳам шу, аслида. Зеро, юксак маънавият, мустақил фикрли одамгина ўз йўлини тўғри танлай олади.

Аҳмадҷон ОҒЛОНОВ,
Косонсой туман ОТМФМТЭ
бўлимининг маънавий-
маърифий ишлар бўйича
шўбаси раҳбари

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Ҳам-манинг қўлида қандам битта мобил телефон. Истаган жойда туриб дунёнинг нариги чеккасидаги одам билан гаплашиш, хабарлашиш имкони-яти бор. Бутун дунёда интернет тармоғининг қамрови тобора кенгайиб бораётир. Ўтган асрда радио, телевидение каби ахборот воситалари ўн йиллар давомида оммалашган бўлса, интернет хизмати сўнгги йилларда 2 миллиард кишилик аудиторияни қамраш-га эришди.

Интернет ахборот олиш, ал-машаш, сотиш, харид қилиш каби қўндалик эҳтиёжлар учун энг қўлай ва самарали восита-га айланди. Айниқса, бу тизим жажондаги деярли барча очик маълумотларни ўзида жамлагани боис, инсоннинг билим доирасини кенгайти-риш, дунёқарашини шакллантиришда тенги йўқ манбадир.

Кўчага отланган келин чақалоғи учун бир неча тагликни сумкасига жойлади. Буни кўрган қайнона эса яна ўша эски мавзуда гап бошлади: “Болага бунинг нима кераги бор, соғлиққа зарарли эмасми?”. Келин эса “Ойи, ҳозир ҳамма шундан ишлатади, қулай-да!”, деди.

Бу каби тортишувлар бугунги кунда айрим оилаларда тез-тез кузатилади. Фарзандларини йўрғакда, бешикда улғайтирган оналаримиз, момоларимиз бундай тагликлар бола саломатлигига зарар етказиши, деган фикрда уни ишлатишга қаршилик қиладилар. Савол туғилади: шу тобда оммалашиб бораётган болалар тагликлари саломатликка нечоғли фойдали ёки зарарли?

Янги туғилган чақалоқ гулга киёсланади. Гулнинг кўркам ва чиroyли ўсиши учун эътибор зарур. Бола ҳам онасининг меҳри ва яқинларининг кўмағида ўсиб-улғаяди. Унинг ҳар томонлама соғлом бўлиши учун тозаллик ва гигиена қоидаларига қатъий

чақалоқлар учун ноқулайлик туғдирарди. Шу сабаб тагликларни мукаммаллаштириш устида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилди. «Procter&Gamble» компанияси муҳандиси Виктор Миллс илк шимувчан тагликларни яратишга муваффақ бўлди. 1956

АҚШнинг қоғоз ишлаб чиқарувчи йирик компанияларидан бири «Kimberly Clark» 1968 йили ана шундай тагликлар яратишга муваффақ бўлди. Унинг маҳсулотлари “Huggies” (“кучиш” маъносини англатади) бранди остида сотувга чиқарилди. Компания 1978 йилдан бошлаб катта ҳажмдаги маҳсулотларни ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Оғир аҳволдаги беморлар, космонавтлар, сув ости гов-вослари бу маҳсулотдан

л о л о з - (ўсимликлардан сунъий ипак тайёрлаш учун оли-надиган модда)дан иборат. Гидрофил суюқликни ўзига тез шимиб олади. Шу сабаб тагликка тушган суюқлик адсорбент қатламига боради. Адсорбент ўзига хос думалоқ модда — полиакрилат натрийга эга. Бу модда суюқликни ўзига шимиб, юқорига кўтарилишига йўл қўймайди.

Тагликлар, юқорида са-

Sog' tanda — sog'lom aql

лиги шундаки, бола тагини хўлласса-да, безовталанмайди. Онага ҳам бу кўл келади. Тагликлар қулай ҳамда гигиеник восита.

Юқорида таъкидлаганимиздек, катта авлод вакиллари тагликлардан фойдаланишга эътироз билдиришади. Уларнинг наздида, бу воситанинг бола саломатлигига зарари бор, яъни тагликда доимий юриш — оёқ кийиш ўсиши ёки боланинг сезувчанлиги йўқолишига олиб келиши мумкин каби... Бундай эътирозларга ўрин йўқ. Сабаби, ҳаҳон тажрибасига таянган ҳолда иш олиб бораётган мутахассислар кейинги йигирма йилдан буён бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Уларнинг таъкидлашича, тўғри танланган таглик бола соғлигига хавф туғдирмайди. Шифокорларнинг изланишларидан аён бўладики, тагликлар остида терининг ҳарорати ўзгармайди. Боиси, ҳозирги тагликлар ҳаво ўтказувчанлик хусусиятига эга. Уларнинг юмшоқ матодан тайёрлангани бола оёқ суюқлигини тўғри ўсишига тўсқинлик қилмайди.

Тагликларни танлашда боланинг вазни ва ёши инobatта олинishi лозим. Ҳар бир таглик қадоғида неча ёшли болага ишлатиш мумкинлиги келтирилган. Масалан, бола 3,5—4 килограмм вазнга эга бўлса, қадоғида 4—7 кг. деб ёзиб қўйилган тагликни харид қилиш мақсадга мувофиқ.

Эмизикли болаларга тагликларни уйку олди-дан, уйғонганидан кейин, овқатланганидан сўнг, сайрга чиқишдан аввал кийдириш тавсия этилади. Агар боланинг терисиде таглик ёпишиб қоладиган даражада қизариш пайдо бўлса, очик ҳавода туриш яхши самара беради.

Оилада энди туғилган кичкинтой барча яқинларига бирдек шодлик улашади. Унинг ҳар томонлама соғлом улғайишида катталарнинг парвариши ўта муҳим. Соғлом боланинг туғилиши ва унинг бекаму-кўст улғайиши оналар қўлида. Бола парваришида ҳар бир жиҳатга, яъни соғлом овқатланишидан тортиб озодлигига ҳам жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Зеро, бугун ҳар бир боланинг соғлом вояга етиши учун барча шароитлар яратилган.

Феруза ХОЛМУРОВА,
“Ma'rifat” мухбири



СОҒЛОМ УЛҒАЙ, БОЛАЖОН!



риоя этиш талаб этилади. Савдо расталаридаги болажонлар учун яратилган бир-биридан қулай маҳсулотларни кўриб кўзимиз қувнайди. Улар орасида турли ўлчам ва кўринишдаги тагликларни ҳам учратишимиз мумкин.

Тагликларнинг дастлабки кўриниши антик даврларга бориб тақалади. Ўша пайтлари одамлар тагликларни дарахт барглари, ҳайвон териси ҳамда жунидан маҳсус тайёрлаганлар. Вақт ўтиши билан маҳсулотга бўлган талаб кучайиб, унинг такомиллашган турлари пайдо бўла бошлади. XIX асрга келиб тагликларни трикотаж ҳамда юмшоқ жун матоларидан ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу тагликлардан бир неча марта фойдаланиш мумкин эди. Лекин унинг бирдан-бир камчилиги — намликни ўзида кўп ушлаб туролмасди. Бу эса ҳали гапириш туғул, хатти-ҳаракатларни ҳам унчалик эпложмайдиган

йили илк бор бир марталик тагликлар синовдан ўтказилди. Виктор Миллс тагликларнинг таркибини дарахт қипигидан фойдаланган ҳолда яратди. Сабаби, у намликни тез шимиб, ўзида ушлаб туриш хусусиятига эга эди. Бир марталик тагликлар 1961 йилдан “Pampers” номи остида оммавий сотувга чиқарилди. “Pampers” инглизча сўз бўлиб, “to pamper”, “суймоқ, эркаламоқ” маъносини англатади. 1960-йиллар охирига келиб, “Pampers” дунё миқёсида ўз брендига эга бўлди. Намликни ўтказмайдиган бу маҳсулот кичкинтойлар ва ота-оналар томонидан илиқ кутиб олинди. У учбурчак шаклга эга бўлиб, илгакли ҳамда кнопка билан маҳкамланадиган кўринишда эди. Кундан-кун харидор-гир бўлиб бораётган маҳсулот бошқа компанияларни ҳам қизиқтириб қўйди. Рақобатдош компаниялар ҳам таглик яратиш устида иш олиб борди.

фойдалана бошлади. Компания маҳсулотларининг сифатлиги ва қулайлиги боис харидорлар кўпая бошлади.

Бир марталик оммавий тагликлар, айниқса, ёш ота-оналарга манзур бўлди. Улар жуда юмшоқ ва майин матоси билан боланинг ўта сезувчан терисига мос тушади. Шифокорларнинг айтишича, боланинг терисиде ҳеч қандай аллергик хусусиятларга мойиллик бўлмаса, тагликлардан бемалол фойдаланиш мумкин. Аммо, меъёрни унутмаслик лозим. Соғлом бола учун бир кунда бештагач таглик ишлатиш мумкин. Тагликни болага кийдиришдан олдин, албатта, унинг терисини яхшилаб кўздан кечириш керак. Агар бола терисиде қизариш ёки қандайдир ўзгариш сезилса, дарҳол шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Тагликни бола терисини яхшилангандан сўнг кийдириш мақсадга мувофиқ. Мутахассислар ёзинг иссиқ кунларида тагликдан фойдаланмасликни тавсия этишади.

Тагликларнинг қандай маҳсулотлардан тайёрланиши кўпчилик ота-оналарни қизиқтириши табиий. Бола терисининг қуруқ ҳолда туришининг сири нимада? Ҳозирги тагликлар бир неча қаватдан иборат. Эътиборлиси, бир дон таглик тайёрлаш учун 200 мл нефть маҳсулоти ишлатилар экан. Таглик таркиби пластикли юпка мато, суперадсорбент кукуни ҳамда гидрофил ва цел-

наб ўтганимиздек, кимёвий моддалардан тайёрлангани боис уни ишлатишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Бугунги кунда тагликлар тез оммалашиб бормоқда. Маълумотларга кўра, айни пайтда 95 фоиз америкалик ва 98 фоиз европаликлар гўдакларни улғайтиришда тагликлардан фойдаланади. 2009 йилдан буён ҳаҳон бозорининг асосий қисмини рақобатдош компаниялар маҳсулотлари бўлган “Pampers”, “Huggies” ва “Libero” эгаллаган.

Тагликлар гўдакнинг вазнига қараб танланади. Туғилган вақтидан то 16 килограмм бўлгунча қадар ундан фойдаланиш мумкин. Юртимизда ҳам тагликларга эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Савдо расталари ва дорихоналарда маҳсулотнинг турли хилларини учратиш мумкин.

Оилавий поликлиника ва туғруқхоналарда бўлажак оналар учун тагликларнинг қулайлиги ва фойдаси борасида шифокорлар томонидан тушуначалар бериб борилади.

— Ҳозирги кунда туғруқхонага келган аёлга боласи учун тагликлар ҳам олиб келиш тавсия этилмоқда. Сабаби, тагликлар боланинг юмшоқ терисини шикастламайди, — дейди пойтахт-миздаги 31-оилавий поликлиника акушер-гинекологи Разно Бекчанова. — Янги туғилган чақалоқлар учун тагликлардан фойдаланишнинг афзал-

2014-yil 12-aprel, № 30 (8679)

ЯРИМ ДАҚИҚАДА ҚУВВАТ ОЛАДИГАН БАТАРЕЯ

«Microsoft» kompaniyasi tomonidan tashkil etilgan kurgazmada Isroil davlatining «StoreDot» kompaniyasi tomonidan yarim daqiqada quvvat oluvchi yangi turdagi batareya namoyishi etildi. Kompaniya haqon miqdorida keng ommalashgan smartfon va boshqa turdagi elektron qurilmalarni shu turdagi batareya bilan ta'minlashni rejalashtirgan. Keyinchalik bu kabi akkumulyatorlar elektromobillarga ham qo'llanilishi ta'kidlanmoqda.



Ma'lumki, portativ elektron qurilmalarni quvvatlash juda sekin kechadi. Bu ularda qo'llaniluvchi kimyoviy moddalarning reaksiyaga sekin kirishuvi bilan izohlanadi. Agar reaksiyalar jadallashtirilsa, batareya tez ishlan chiqishi mumkin. Biroq yangi maqsulotda bu holat ruy bermasligi aytilmoqda. Kompaniya mutaxassislari kimyoviy sintez yuldi bilan peptidlarining bioorganik molekullarini ishlab chiqishdi. Nanonuktalar (nanodots) deb nomlangan ushbu molekullar ulzlarining kichik hajmi va kimyoviy xususiyatlari bilan batareya imkoniyatlarini oshirib, elektrolit muhitida ruy beruvchi jarayonlarni butkul uzgartirdi.

— Birinchi navbatda mazkur yangi batareya superkondensat tarzida ishlab, juda kyska vaqt ichida quvvatlanasa, ikkinchi tomondan, litiiyli akkumulyator sifatida energiyani kypok vaqt saqlab turadi, — deydi kompaniya prezidenti Doron Miersdorff. — Maqsulotning yuqori samaradorligini ta'minlash uchun esa nanonuktachalar bilan tuldirilgan hamda kimyoviy va fizik tarkibi tubdan uzgartirilgan elektrolitdan foydalanmoqchimiz.

Kayd etishi joiziki, bugungi kunda nanonukta eki kvant nuqtalari texnologiyasi asosida ishlab chikarilgan akkumulyatorlarda ogir metallar qo'llanilgani bois inson salomatligi va atrof-muhit musafofligiga jiddiy zarar etmoqda. Shu sababdan ham bu kabi batareyalarning ommaviy ishlab chikarilishiga tussik kuyilgan edi. Ammo «StoreDot» kompaniyasi takdim etgan nanonuktalar bioorganik xomashyodan tayierlangan bulib, ekologiyaga hech qanday salbiy ta'sir ko'rsatmaydi. Narxi ancha arzon bulgan yangi batareyalar 2016 yildan ommaviy ishlab chikarilishi rejalashtirilgan.

ТАБИЙ ҚАХВА ИЧИНГ, ЖИГАРГА ФОЙДА



Жахон соғлиқни сақлаш ташкилати маълумотларига қараганда, ҳар йили дунё миқёсида қайд этилувчи ўлим ҳолатларининг 1,3 фоизи жигар хасталиклари сабабли руй беради. Бу хасталиклар ичиди жигар циррози ни даволаш анча мураккаб ва кўп



харажат талаб этгани bois мутахассислар мазкур хасталикка қарши доимий кураш иш мақбул йўл эканини таъкидлаб келишади.

Сингапурлик олимларнинг аниқлашича, табиий қахва истеъмол қилиб юриш организмнинг беминнат ишлаши учун жуда фойдали экан. Қарийб ўн беш йил давом этган изланишлар мобайнида мутахассислар 45-74 ёшгача бўлган 63 минг нафардан зиёд инсонлар саломатлигини ўрганишди.

Яқунда ҳар кун 2 финжон қахва ичиш цирроз пайдо бўлиш хавфини 70 фоизгача камайтириши маълум бўлди. Бироқ мутахассислар қахва вирусли гепатит билан боғлиқ бўлмаган циррозгагина фойда келтириши мумкинлигини алоҳида қайд этиб ўтишган. Вирусли гепатит сабабли жигар ҳолати ўзгарганда ҳар қандай миқдордаги кофе ҳам ёрдам бера олмайди.

НАНОЗАРРАЛАР ДНКГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

Гарвард ҳамда Массачусетс университети (АҚШ) олимлари озиқ-овқат ва косметика саноатида қўлланилувчи айрим турдаги нанозарраларнинг инсон ДНКсига таъсирини ўрганиб чиқишди. Изланишлар натижаси «ACS Nano» журналинда эълон қилинди.

Ушбу тадқиқотда олимлар беш турдаги — кумуш, кремний диоксиди, рух оксиди, темир ва церий нанозарраларидан фойдаланишди. Заҳарли моддалар (токсинлар) фаоллигини аниқлаш учун қўлланилувчи тўқима ўрнида эса инсон қон ҳужайралари ва хитой олмахони ҳужайраларидан фойдаланишди.

Тадқиқотчилар терини ультрабинафша нурлардан ҳимоялаш учун суртилувчи крем таркибига тез-тез қўшилувчи рух оксиди ҳамда болалар уйичоқлари, кийимлар ва тиш пасталарига микроб ўлдирувчи восита сифатида қўшилувчи кумуш нанозарралари ДНКни сезиларли даражада зарарлашини аниқлашди.

Замонавий озиқ-овқат махсулотлари ва дори воситаларида қўлланилувчи кремний диоксиди ҳам инсоннинг ирсий хусусиятларига оз миқдорда салбий таъсир кўрсатиши мумкин экан. Темир ва церий оксидларининг ҳам оз миқдорда зарари аниқланди.

Мазкур изланишлар мобайнида олимлар ДНК шикастланишини қайд этувчи янги — CometChip усулидан фойдаланишди. Ушбу усул таҳлилларни анъанавий ДНК-комет («Comet assay»)га қараганда 30 баробар тезроқ амалга ошириш имконини беради.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, ушбу натижалар зарарли нанокўшимчалардан бутунлай воз кечиш керак, деган хулосага олиб келмайди. Чунки ушбу моддалардан заҳарланиш (интоксикация) уларнинг миқдори ва тўқималарда тўпланишига боғлиқ бўлиб, нанозарралардан маълум даражада фойдаланиш мутлақо безарар. Масалан, рух ва кумуш оксидларининг бир миллилитрдаги концентрасияси 10 микрограммгача бўлган тақрида, ДНК зарарланиши кузатилмаган.

Келгусида олимлар нанозарраларнинг тери, ўпка ва ошқозон тўқималарига, принтер ва нуска кўчириш бўёқларидаги метал оксидларининг эса инсон организмга таъсирини ўрганишни режалаштиришган.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.

ЖУМЛАДА ЈАҲОН

АҚШнинг Пенсильвания штатида жойлашган Питсбург шаҳридаги туманлардан бирида фаолият кўрсатаётган олий мактабда дарс бошланганидан 15 дақиқа ўтиб, ўқувчи ўткир пичоқ билан 20 нафар инсонга тан жароҳати етказган, таълим муассасасида хавфсизлини таъминлаш мақсадида дарслар вақтинча бекор қилинган.

Канаданинг Ньюфаундленд ороллари яқинида йўқолиб кетиш афасида турган, бугунги кунда бор-йўғи 250 бош қолган океанларнинг энг йирик жонивори — кўк китларнинг тўққизтаси муз кўчиши оқибатида ҳосил бўлган табиий тузоққа тушиб nobуд бўлган.

АҚШнинг Калифорния штатидаги Гленн округида 40 нафардан зиёд юқори синф ўқувчиларини олиб кетаётган мактаб автобусининг бошқарувни йўқотган юк машинаси билан тўқнашувчи оқибатида 9 киши, жумладан, 7 ўқувчи ҳалок бўлган ва 32 киши жароҳатланган.


Сўнгги 40 йил ичиди кузатилган энг кучли тўфонларнинг Аргентина гарбий қирқоқларига келиб урилиши натижасида 7та провинцияда уч мингга яқин аҳолининг хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилингани, бир нафар аёлининг ҳалок бўгани ҳақида хабарлар тарқатилган.

Ҳар йили анъанавий тарзда нишонланайдиган, 15 минг нафарга яқин талаба иштирок этган кечанинг тартибсизлик ва ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари билан тўқнашувга улашиб кетиши оқибатида АҚШнинг Калифорния штатидаги Исла-Виста шаҳрида 44 кишининг енгил жароҳатлангани ва 100 нафар талабанинг ҳибсага олингани хабар қилинган.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

«SIROJIDDIN FAYZ SAVDO»

хусусий корхонаси



Тошкент шаҳри ва вилоят аҳолиси учун яна бир қулайликни тақдим этади! Корхона мебель махсулотлари, маиший техника буюмлари ҳамда қурилиш моллари, хусусан, профнастиль, шифер, гишт, тахта, турли бўёқлар, цемент, шифт қопламалари ва бошқа турдаги қурилиш молларини

КРЕДИТГА БЕРАДИ.

Мурожаат учун телефонлар:

(+99894)
925-94-24,
(+99871)
235-71-46.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Республика ихтисослаштирилган музыка ва санъат академик лицейи 2014-2015 ўқув йили учун музыка ва санъат йўналишларига қабул

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Академик лицейга ўқувчилар имтиҳон ва синовлар асосида қабул қилинади. Мазкур жараёнда иштирок этиш учун республикадаги умумтаълим мактаблари 4-синфини тугатган ўқувчиларнинг ҳужжатлари 2014 йил 2 июндан 20 июнгача муассасамизга қуйидаги тартибда топширилиши зарур:

1. Ариза (ҳужжатларни топшириш жараёнида тўлдирилади);
2. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
3. 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
3. Ўқувчининг тиббий ва эмлашлар дафтери (ўқиш жойидан);

Ўқишга кириш учун ижодий (музыка ва санъат бўйича) синов имтиҳонлари, тест ва психологик-педагогик таххис синовлари 2014 йил 21-22 июнь кунлари ўтказилади.

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МУСИҚА ВА САҢЪАТ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИГА ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «С» мавзеси, тел.: (+99871) 276-95-39, 276-61-35.

4. 6 донa 3x4 ўлчамдаги фотосурат;
5. Психологик-педагогик таххис дафтери асли ва дафтар асосида ўқувчининг қизиқишлари, ўқув фанларини ўзлаштириши ҳақида тасдиқланган тавсифнома;
6. «Баҳолар табели»нинг нусхаси;
7. Ота-онасининг паспорт ва никоҳ гувоҳномаси нусхалари ҳамда иш жойларидан (иш жойлари бўлмаганда маҳалладан) маълумотнома;
8. Ўқувчининг ижодий ишлари (агар мавжуд бўлса).

Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқувметодика маркази томонидан Қаболова Замира Чариевна номига берилган 012736 рақамли диплом ҳамда 507943 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Ўзбек филология факультети «Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти» кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси Қўлдош Пардаевага отаниб

ЎЗОҚ асосан

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси университет қошидаги Математика институти «Эхтимоллар назарияси ва математик статистика» бўлими профессори, физика-математика фанлари доктори

Анатолий СТАРЦЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Зоология, физиология ва анатомия» кафедраси доценти Каландар Сапаровга синглиси

Гулжон САПАРОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор қилади.

Gurung

ЭЗТУЛИК

Сен менинг онамга ўхшайсан, дугонажон. Унинг ҳам ҳасрати ўзи билан, шодлигу қувончи ўртада.

Унинг ҳам кафтлари қадоқ. Тиним нима — билмайди, доимо куйманайди: гул экади, экин парвариш қилади. Гоҳо жимгина қўшиқ тинглайди. Бир қарасанг, ундан бахтиёр, бир қарасанг, ундан маҳзунроқ одам йўқ оламда.

У ҳам сендай намозшомгулни севади. Эсимни танибманки, гувоҳман — илк баҳордан то биринчи қорғача ҳовлимизда намозшомгул барқ уриб туради. Шу боис ҳам ҳовлимиз тонгни гўё камалак жилларига кўмилиб қарши олади ва офтоб билан хайрлашаётди ҳам шундай чирой касб этади.

Сенинг бизникидан кетгинг келмасди. Алвон гулларга термулиб ўтирганингча онаминг ўтмишдан эртақларини такрор ва такрор тинглардинг, тинглардинг. Опанг деярли ҳар оқшом ухлаб ётган жойингдан кўтариб кетишга одатланган эди.

Кундузлари онаминг обғи остида ўралашганинг ўралашган эди. Гоҳо бувинг бундан инжилгани каби мен ҳам аччиқланиб қолардим.

Ҳозир ҳам сен жимгина юрасан ва ўйчансан, қандайдир оҳанглари, эҳтимол, қўшиқ куйлашга қодир

қалблар навосини тинглаётганга ўхшайсан. Ўйлайманки, юрагингда бир дарё оқади. Сен қўшиқ айтсанг, куйлаётганлардан кўра дарддиросан. Сенинг овозинг уларнинг товушини босиб кетади.

Сенинг ҳажрингда куйган бор. Уни юрак-юрақдан сўясан, бироқ айтмайсан. Мехрингнинг тўкиб солмайсан. Агар шундай қилар бўлсанг, бу бахтдан у...

Кеча мактубингни олдим. Қанча ташвишинг бўла туриб, каттақон рўзгорингдан ортиб, мени ўйлашга қандай вақт топасан-а?!

Мен сенга нима қилиб беролдим?! Керак онда йўқладимми, ҳолингни сўрадимми? Э, йўқ, бу билан ишинг йўқ. Хатингни қайта-қайта ўқир эканман, беихтиёр муаллимизнинг ўғитларини эсламан. «Ҳаётнинг яхши томонларини кўра олиш керак!». Ҳа, эзгулик уруғини сочиб, кишиларга бахт улашиб, катта мақсад ва катта ташвишлар билан яшайдиганлар ҳам бор. Оламни мунаввар қилиб турганлар — шулар.

Ўзим таниган ва ҳали танимаган эзгу ниятдилар ҳақида бир куни сенга, албатта, сўзлаб бераман...

Салиха ОЛИМОВА

Maktublar

Даҳшатли тушдан кўриб уйғондим. Тун ярмидан ўтган. Дераздан тушаётган ой нури хонамни ёритиб турарди. Дугонам ширин уйкуда, хойнаҳой, саккизинчи тушини кўраётгандир. Мана неча кунки, ғалати

кўнглимнинг тўқлиги сиз туфайли. Яқинда бир табиш отахон ҳақидаги хабар хунобимни оширди. Унинг «CAPTIVA», «LASETTI»ли «бечора» ўғли бемор отасини даволатишга пули йўқлигидан «Мурувват уйи»га жойлаштирибди. Наҳотки, аёли тўртта хотиннинг даврасида қизига

бар кутиб турарди.

Афсус! Бу фоний дунёда ота-онанинг омонатлигини англамади ноқобил фарзанд. Ким билсин, эҳтимол, қолган умри виждон азобида ўтар унинг...

Тўйкус, ота-онамга берган озорларим: билмай ранжитганларим, етти ёт бегонага улаш-

МЕНИ КЕЧИРИҲТ!

тушлар кўриб, уйғониб кетаман. Кўнглим нотинч, юрагим безовта. Тезроқ тонг оқарса-ю, падаримнинг ҳолини билсам. Дарс, имтиҳон деб тузукроқ гаплаша оламан. Боз устига, бир неча кун олдин уларни ранжитдим. Шундан буён ишимда унум, уйқумда ором йўқ. Мехримга зор фанатим, бировларга санчмаган тиканим билан кўнглингизни яраладим. Бир зумга қоқилганда сўяган, йиғлаганда юпатган, бошдаги тожмини унутиб қўйдим. Ахир, дилимнинг борлиги,

фалон миллионли мебел, яна шунча пулга тилла тақинчоқ олганини кўз-кўз қиладиган одамда отасини даволатишга пул бўлмаса?! Наҳотки, кўзини кўр қилган бойлик, мол-давлат ўткинчи эканини билмас, бир пайтлари овозаси оламга кетган тўйлар бериб, жигарбандининг арзимасгина ютуғидан ҳам қувонган ота бир лаҳзада унутилса. Дунёнинг ишларини қарангки, дабдабали тўй бериб, қизини узаётган кунни беокибат ўғилни отаси вафот этгани ҳақидаги совок ха-

ган мехримни сиздан аяб, бировдан ранжиб келсам, кўнглимни сўрасангиз, аламинини сиздан олоққичдек, қўл силтаганларим эсимга тушибди. Ўша пайтлари кўнглингиз оғригандир балки... Ахир, мен нодон, ким ҳам бўлардим сизнинг дуонгиз, мехрингизисиз. Йўлларимга кўз тиккан меҳри уммонларим, сиз туфайли кўнгли уйим обод, қалбим нурафшон-ку!

Мен гўр фарзандингизни кечиринг!

Гавҳаршодбегим
РУСТАМОВА,
«Ma'rifat» маҳорат
мактаби тингловчиси

Donish chirog'i

Махмуд ЗАМАХШАРИЙ

ОЛТИҲ ШОДАЛАР

Сўз ва сўзламоқ
ҳақида

Тилнинг хайрлиси сўзламай тургани, сўзинг хайрлиси қисқа ва аниқ айтилганидир.

Шундай бўлмаса, айтган сўзинг сукут сақлашдан афзалроқ(керакли, маъноли) сўзлар бўлсин. Сўзбатиғни билан ва меҳр-муҳаббатинг, хулқ-одобинг билан беа. Фикринг мизрак бўғумлари(қамиш бўғинлари) каби соғлом, аниқ бўлсин. Енгилтаклик, саёзлик, тушунилмаслик — сўзинг нуқсонларидир. Унутмагинки, ҳушмуомалалик ва ширинсўзлик ҳар ишда яхшилик келтирур. Сўзбатда фақат ёқимли эмас, балки оғир, босиқ сўзлаш — сўзинг мўтабар ва маъқул қилади.

Фақат ўзингни ўйламай, бошқаларнинг ҳам аҳволини тушун!

Эй, маишат ва мансаб соҳиб бўлиб, баландпарвоз унво ва рутбалар ила овунган, шодланган мағрур! Ҳашаматли бинолар қурган вақтингда орқадошларингни, дўстларингни ҳам унутма! Ҳотамнинг «Орқадошнинг ўтга ташлама» тавсиясини бир тарафга отма. Илоҳий жазодан қўрқ ва дўстларингга ҳам навбат беришни ўйла!

Шуни яхши билки, суворий учун энг буюқ ташвиш пиданинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолмоқликдир.

Қаноатнинг гўзаллиги

Хирс, таъмағирлик шундай нарсаси, соҳибининг терисини шиллар, яхши номи, номус-орини қайчи қумош — ипак газламани кесган каби кесар.

Ишончим комилки, қаноат инсонни юксалтириб, бахту толейни таъмин этади. Хирс, очкўзлик, тамағирлик эса тубанлик ботқоғига ботиради.

Қаноат фақирни бой қилиб кўрсатади. Хирс, таъмағирлик эса бойни камбағал бир тиланчига айлантиради. Шундай экан, ҳорислар хирс ва таъмага рағбат этганида сен қаноат совуни билан қалбингни қувиб, покла. Хирс ва таъмадан покланмоқ барча ифлосликлардан тозаланмоқ демакдир.

Ақлли ва аҳмоқ

Ақлли инсон ақл ва мантиқ нимани тақозо қилса, ўша хайрли ишга ғайрат қилар.

Аҳмоқ эса бир марта иши юришмай қолса, ҳафсаласи йўқолиб, ҳеч бир ишда ташаббус кўрсатмас ва чарчаб, ҳориган юк ташувчилар каби ўтириб қолур.

Савоб амали ва иймони борларгина инсондир.

Инсон тили ва юрак деган бир парча гўшти борлиги учун эмас, балки савоб амал(яхшилик) ва иймон исми икки буюқ бойлиги бўлса — инсондир. Бу икки буюқ фазилат унга ёр бўлмаса, бошқа куч-қудратдан фойда йўқдир.

Ақл-фаросат ва заковат билан машхур бўлган Фузайл Иёз қалбидидаги яхшилик, эзгулик билан, Қус ибн Саъд тили ўткирлиги, фасоҳати билан машхур дейдилар. Агар иймон ва амаллари бўлмасаиди, булар етук инсонлар бўлармиди?

Ҳалол ва ҳаром
ризқ-насиба

Ҳалол мол оз-оздан топилир. Ҳаром мол-дунё эса мўл-қўл топилир. Лекин пок-киза, ҳалол ризқнинг ози ҳаром ва кўп ризқдан аълодир. Нақадар судхўрлик билан фойда толганлар борки, тонгда уларга жаҳаннамда зариб(заҳарли тикан) деб аталган «емак»лар берилур.

ЗАМАХШАРИЙНИҲТ
«ЁРДАМ»И

(Абдурашиднинг айтганлари)

Илм олиш ниятида Мисрда ўқиб юрган кезларим эди. Бир куни уқоқча чипта олиш учун боши-охири кўринмайдиган навбатга турдим. Узоқ кутдим. Саф секин имиллайди. Менинг вақтим ниҳоятда зик. Чиптадан ҳам муҳимроқ ишим — бир сабоқдошимга ваъда — қарзим бор. Албатта, боришим керак. Қолаверса, чиптахона дари-часининг тағига етганда қуруқ қайтиб кетиш ҳам кишига алам қилади.

Тилни яхши биламан. Олдимда турган ўн-ўн беш чоғли кишига ҳолимини тушунтириб, илтимос қилдим, биров қимсан, демади. Тўнгиллайди, холос. Навбатда олдинга илгарилаш ниятида шу пайт тadbир қўлашга мажбур бўлдим. Мусофир эканимни айта туриб: «Ҳой азизлар, мен Замахшарийнинг юртидан келганман, талабаман, ёрдам беринглар», дедим. Саф сергақланди. Ўзаро пи-чирлашга ҳам тушишган эдики, чиптахона даричасидан: «Ҳой йигит, Замахшарийнинг юртдоши, бери кел», деган овоз эшитилди. Югуриб олдинга ўтдим. Чиптачи: «Ё Оллоҳ! Ё Оллоҳ! Кеча кечкунун алломанинг «Мақомот»ини бир варақлаган эдим-а», деди та-ажжуб ила. Чиптанинг ҳақини тўлаб, раҳмат айтдим-да, ваъдага шо-шилдим.

ҲАФСАЛАМ ПИР БЎЛДИ

(Музаффарнинг айтганлари)

Ана шу кизга ҳамма хавас қилар эди. Аммо бир воқеани эшитиб, менинг ҳафсалам пир бўлди. Бу қиз бағоят гўзал эди. Лабининг ёнида ниҳоятда усталлик билан кўндирилган холи Кумуш-бибини эслатарди. Маданиятли ва тенгсиз бир малака ўшарди менинг тасаввуримда. Юришлари латиф эди, кўз қарашларию туришлари гўзал эди. Йигитлар тушларига кирганидан сўйлар эдилар. Кўзи тушганлар шоир муажжунга, бедарду бедавога дўнар эдилар. Устига-устак, нисбатан аълочи талаба эди у. Аммо бир воқеа юз берди. Ҳафсалам пир, ҳафсалаларим пирлар бўлди.

Бир куни — куз фаслининг охирлари — уни кекса отаси кўргали келади. Дугоналари, таниш-билишлари қизқинсини, унинг кимлигини сўраб-суриш-

тирадилар. Отанинг юзларини қуёш ялаган, юзлари офтобда қорайган. Қўллари қадоқ. Дехкондир, ишчидир, чўпондир. Ким билади? «Бу ким?». Қиздан садо чиқмайди. Ким бўлсин? Бу ўша пари-пайкарнинг падари бузруквор, отасидир. Аммо қиз уни отам дейишдан ор қилар, уялар эмиш. Шу боис «Отам» демади. Отани кўздан сал узоқлаштириб, савол бергувчиларга «Танишим», дейди. «Қўшим», дейди. Ўз отасини «Отам» дейишдан ор қиладиган бу шоира қиз телевиэорга чиқиб «Отажоним, қайдасиз?» деган шеърини ўқийди. Ваҳоланки, отаси ёнида юрибди. Унга қиё бокмайди. Ёзган шеъри учун мукофот кутиб юради. Бу ҳолатдан, билими, ижоди гуржирган бундай одамликини унутган ноқаслардан ҳафсалам пир бўлди, тўғриси.

(Баҳодир Нурмухаммаднинг
«Бунда бир ҳикмат бор»
китобидан.)

2014-yil 12-aprel, № 30 (8679)



БАРЧА ЭЪТИБОР ФИНАЛГА ҚАРАТИЛАДИ

Спорт доимий ҳаракатга, изилнишга чорлайди. Спорт билан шуғулланган ўғил-қизлар кутилмаган вазиятларда тўғри қарор чиқаришни, имкониятлардан унумли фойдаланишни билади. Ана шундай эпчил, ўз кучига ишонган, дадил ёшларни кашф этиш мақсадида ташкил этилган уч босқичли спорт мусобақаларига қизиқш йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Жорий йили Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчилари ўртасидаги «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига йўл оладиган иштирокчиларнинг барчаси аниқ бўлиб улғурди. Мусобақа дастуридан ўрин олган футбол, баскетбол, волейбол, гандбол ҳамда бокс бўйича сўнгги саралаш баҳслари ҳам ортда қолди. Энди ўқувчи-спортчилар бор диққат-эътиборини фақат финал босқичига қаратишади. Хар бир ҳудудда терма жамоалар шакллантирилиб, яқна ҳам жамоавий спорт турлари бўйича якуний тайёргарлик ишлари олиб борилади.

Газетамизнинг ўтган сонларида хабар қилганимиздек, саралаш мусобақаларининг қолган натижалари ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсак,



Футбол бўйича Ўзбекистон футбол федерацияси майдонида бўлиб ўтган қарама-қаршиликларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган жами ўн тўрт жамоа 4 гуруҳга бўлинган ҳолда, бир ҳафта давомидида ўзаро куч синашди.

Сир эмаски, футбол ҳар қандай мусобақани беэътибор. Бунга саралаш мусобақаларида ҳам гувоҳ бўлдик. Кескин ва мurosасиз ўтган учрашувларда кутилмаган натижалар қайд этилди. Хусусан, сирдарёлик ёш футболчиларнинг бир қатор кучли рақибларини доғда қолдириб, финал босқичига йўлланма олгани мутахас-

даги марказий стадионда олиб боришга қўйиб-масгулот йиғинлари баҳонасида «Гулистон», «Зомин» ва «Локомотив БФК» клублар билан ўртоқлик учрашувлари ўтказишга ҳам эришди. Коллежларда ўқиш давомидида спорт билан шуғулланишни ҳам қанда қилмаётган болаларнинг ўзларини кўрсатиши, тажриба орттириши ва рақибдан жайқимаслигини ўрганиши учун бундан ажойиб имкониятни топиш мумкинми?

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Қашқадарё вилояти жамоалари ҳам финал босқичи йўлланмасини қўлга киритди.

Баскетбол бўйича ўғил болалар ўртасида Самарқанд шаҳри-

даги Олимпия заҳиралари спорт мажмуасида ҳудудий саралаш мусобақалари ўтказилди. Унда ташаббусни рақибга бой бермай, ўз мақсади сари дадил одимлаган Тошкент шаҳри, Навоий, Самарқанд ва Хоразм вилояти жамоалари Наманган шаҳрига борадиган бўлди. Албатта, «Баркамол авлод» спорт ўйинларида мазкур жамоалар қарама-қаршиликка гувоҳ бўламиз. Энг қизиқарлиси, олтин медаллар фақат бир жамоага насиб этади.

Навоий олимпия заҳиралари спорт коллежиди қизлар ўртасидаги баскетбол мусобақалари ўтказилди. Унда ҳам пойтахтлик ёшлар қатори Навоий, Наманган вилоятлари финал йўлланмасини қўлга киритди. Сўнгги йўлланмани Қорақалпоғистон Республикаси баскетболчи қизлари қўлга киритишди.

Самарқанд давлат университети қошидаги 2-сон академик лицей спорт залида қўл түпи бўйича қизлар ўртасида «Баркамол авлод» — 2014» спорт мусобақаларининг сўнгги саралаш мусобақаси бўлиб ўтди.

Қўл түпи баҳсларида ғалаба қозониш осон эмас. Вазият ис-талган вақтда ўзгариб кетиши мумкин. Баскетбол ва футболдан «бир шингил-бир шингил» олган қўл түпи учрашувлари томошабинларни бир зум ҳам эриктириб қўймади. Аксинча, спорт залида доимий қийқириқлар, олқишлар янграб турди.

— 2012 йили Навоий шаҳри мезонлик қилган «Умид нҳолларин» саралаш баҳсларида қатнашган эдим, — дейди Булунгур ма-иший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Гулноза Хўшмурдова. — Аммо ўшанда финал босқичига йўлланмани қўлга киритолмагандик. Шу бois ҳам мазкур мусобақанинг узвий давоми бўлган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида дугоналарим билан мақса-димга эришишга астойдил интилдим. Мана, яратилган имкониятлардан унумли фойдаландик ва орузимизга эришдик. Энди Наманган шаҳрида кечадиган финал учрашувларида ҳам ушбу муваф-фақиятимизни давом эттирамиз, деган умиддамиз.

Саралаш мусобақалари якуни-га кўра, Самарқанд, Наманган, Андижон ва Қашқадарё вилояти жамоалари нуфузли мусобақа финалига йўлланма олди.

**Зоҳиджон ХОЛОВ,
Ҳаким ЖҲҲАЕВ,
«Ma'rifat» мухбирлари**

Osiyo chempionati



ЎЗБЕКИСТОН — ЭНГ МУНОСИБ МЕЗБОН

Жонажон юртимиз пойтахти тобора йирик ижтимоий-маданий, маърифий тадбирлар мезбонига айланиб бормоқда. Айниқса, спорт соҳасида нуфузли китъа ва жаҳон чемпионатларининг Тошкент шаҳрида ўтказилиши юксак шараф ва фахр бағишлайди.

Ана шундай улкан спорт байрамларидан бири — Ўсмирлар ва қизлар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича XIII Осиё чемпионати ҳам пойтахтимиздаги бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар республика ихти-сослашган олимпия заҳира-лари спорт мактабидида ўт-казилмоқда.

Осиё гимнастика уюш-маси Ижроия қўмитасининг 2012 йили Қатарда ўтказил-ган йиғилишида мезонлик юртимизга берилганди. Ал-батта бундай улкан мусобақа-ларга Тошкентнинг мезбон сифатида танланиши бежиз эмас. Бунга юртимизнинг спортни ривожлантиришда-ги улкан саъй-ҳаракатлари, китъамиз нуфузини оши-ришга ўзининг маҳоратли спортчилари билан қўшаёт-ган бемисл ҳиссаси, шунинг-дек, замонавий стандартлар-га тўла жавоб берадиган спорт иншоотларининг бар-по этилганлиги бош омил бўлмоқда.

Кизгин ва мurosасиз му-собақада иштирок этиш учун китъамизнинг 22 мамлакатидан 120 нафардан зиёд ёш гимнастикачилар келишди. Ўз маҳорати ва ихтидори билан ғалаба сари дадил илдамлаган ва совриндорлар қаторидан жой олган ўғил-қизлар 13та медаллар жам-ланмаси учун бешлашди.

Ушбу биринчилик ёш спортчилар учун икки қарра аҳамиятга эга. Биринчидан, улар халқаро аренада ўзла-

рининг нимага қодирлигини кўрсатиб, совринли ўринлар учун курашса, иккинчидан, шу йилнинг 16—28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўладиган II Олимпия ўйин-ларига йўлланмани қўлга ки-ритиш учун майдонга чиқади.

Осиё чемпионатида ўғил болалар ўнга, қизлар тўққиз-та олимпия йўлланмаси учун рақобатлашади. Белгиланган қоидаларга биноан бир мам-лакат вақилларига қўли би-лан иккита йўлланма берила-ди.

Мусобақаларда мамлаката-миз шарафини ўн нафар спортчи ҳимоя қилади.

Терма жамоамиз бундай имкониятдан унумли фойда-ланишга интилоқда. Хусу-сан, малакали мураббийлар Николай Пак, Людмила Ли, Светлана Кузнецова, Кон-стантин ва Элла Шаулов ҳамда Ирина Каримжонова қўл остида тайёргарлик кўрган 10 нафар (5 нафар ўсмир, 5 нафар қиз бола) спортчимиз юрт шарафини муносиб ҳимоялашни мақсад қилган. Уларнинг орасида бир неча бор республика ва халқаро мусобақалар ишти-рокчилари, совриндорлари бор. Жумладан, Вероника Орлова, Турдихон Исмолова, Темур Қодиров ва Элёр Ис-ломов сингари ўғил-қизла-римизга мутахассислар катта ишонч билдиришмоқда.

Мусобақа 14 апрелгача да-вом этади.

Камола ҲОТАМОВА

СПОРТЧИЛАР МАҲАЛЛАСИ

Асадбек дарсдан келдию, тушликдан сўнг яна футбол мактабига шошди. Бу ерда уни қизиқарли машгулотлар кутиб турибди. Якшанбадан ташқари ҳар куни шу ҳол такрорланади.

Асадбек Андижон шаҳридаги «Бўстон» ма-ҳалласида яшайди. Ҳудуддаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синфида ўқиш билан бирга, мана 4 йилдирки, дарсдан сўнг бола-лар ва ўсмирлар спорт мактабига қатнамоқ-да. Отаси Одилжон, онаси Озодхон ҳам фарзандининг қизиқишини қўл-лаб-қувватлайди. Балки, у келажакда Пеле ёки Роналдодек машҳур юлдуз бўлиб етиш-мас, аммо энг муҳими, бугун ўғилларининг бўш вақти фойдали машгулотга йўналтирил-ганлигидан кўнглиллари тўқ.

«Бўстон» маҳалласида 6270 нафар аҳоли яшаса, шундан 1739 нафари вояга етмаган ёшлар. Маҳаллада Асадбек каби бўш вақти-ни мазмунли, фойдали ўтказишга, спорт би-лан шуғулланишга ҳамда чқур билим олиш-га сарфлаётган интилоқчан ёшлар кўп. 3-4 йилдан бери маҳаллада вояга етмаганлар ёшлар ўртасида жиноятчилик, қонунбузарлик

каби ҳолатлар рўйхатга олинмаганлигининг боиси ҳам шундадир.

— Мактабимизда спорт, фан, ҳунар ва ижо-дий йўналишларда тўғарақлар фаолияти мун-тазам йўлга қўйилган бўлиб, уларга 1149 на-фар ўқувчининг деярли барчаси жалб қилин-ган, — дейди мактаб директорининг маъна-вий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зухраҳон Холдорова. — Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аёллар, уй бекаларини ҳам спорт машгулотларига жалб этдик. Нати-жада спортнинг омма-вийлиги таъминланиб, ўқувчиларнинг бу бора-даги муваффақиятлари кўпайди.

Дарҳақиқат, «От изини тоя босар», деган-ларидек, ота-онада спортга қизиқиш кучли бўлса, фарзандлари ҳам улар ортдан бо-ради. Мактаб волейболчи ва баскетболчи қизларининг шаҳар биринчиликларида голиб бўлиши бежиз эмас. Машҳурбекнинг самбо бўйича эришган ютуқларини ҳам ма-ҳалла фаоллари алоҳида таъкидлашади. Ал-батта, уларнинг ютуғи билан маҳалладош-лари ҳар қанча фахрланса арзийди.

О.СИДДИКОВ

Самарқанд озиқ-овқат касб-ҳунар коллежиди «Ка-молот» шахмат тахтаси» мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 8 ёшдан 19 ёшгача бўлган ўғил-қизлар голиблик учун дона суришди.

ШАХМАТ ТАХТАСИ УСТИДА

Кизгин ўтган ақл муҳораба-сида 10 нафар шахматчи за-фар қўчди. Хусусан, 19 ёшга-ча бўлган спортчилар ўртаси-даги баҳсларда Самарқанд шаҳри вакили Азиза Тоғаева барча рақибларидан устун келди. Шунингдек, С.Усмоно-ва, А.Пирмухаммедова, М.Ка-моллова сингари ёшлар ҳам голиблик шохсупасига кўта-рилди. Каттақўрғонлик М.Неъ-матова ўз ёш тоифасида тенг-сизлигини исботлади.

— Шахмат билан болали-гимдан шуғулланаман, — деди мусобақа голибларидан бири А.Тоғаева. — Бу спорт

тури пухта ўйлашни ўргатади, хотирани мустаҳкамлайди. Бу-гунги мусобақада вилоятимиз-даги энг кучли тенгдошларим билан куч синашиб, ғалаба қозонганимдан хурсандман. Республика босқичига муно-сиб тайёргарлик кўриб, фи-налда ҳам совринли ўринлар-ни қўлга киритишни мақсад қилганман.

Ўғил болалар ўртасидаги учрашувларда эса А.Баҳромов, П.Тоғаев, О.Абдуҳакимов, Э.Жумаев ва О.Ҳошимов мусо-бақанинг республика босқичи-га йўлланма олди.

Х.ЖҲҲАЕВ

«БИЗ — БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!»

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши томонидан шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси билан ҳамкорликда «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшлар ўртасида иқтидорли йигит-қизларни излаб топиш ва уларнинг салоҳиятини тўлиқ намоён этишига кўмаклашиш, турли салбий иллатлар таъсиридан асраш ҳамда миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга йўналтирилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мазкур фестивал ана шу лойиҳалардан бири. Ёш авлод қалбидан она Ватанга муҳаббат, юрт равнақи учун хизмат қиладиган фидойи ёшларни тарбиялаш, ёшларни мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан асраш каби жиҳатлар тadbирнинг асосий мақсадидир.

Фестиваль доирасида мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари, меҳрибонлик уйларида қатор тadbирлар уюштирилди. Жумладан, «Оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти, «Камолот» кутубхонаси, «Замонамиз қаҳрамонлари», «Президент асарлари билимдони», «Депутат ва ёшлар» мавзуларида ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий, маъна-

вий-маърифий тadbирлар, соғлом турмуш тарзи ва спорт тарғиботи бағишланган учрашувлар, китобхонлик анжуманлари ташкил этилди.

Миллий боғда ёш хунарманд ва тadbirkorларнинг маҳсулотлари кўргазмаси, китоблар савдоси ҳам бўлиб ўтди. «Har bir ёшга бир nihol» акцияси бўйича кўчатлар ўтказилди. Tadbirlарда фаол иштирок этган ёшлар рағбатлантирилди.

Таниқли санъаткор ва ёш ижрочилар иштирокидаги гала-концерт барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири



Отабек МИРСОАТОВ (ЎЗА) ва Бурхон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Xalq ta'limi
vazirligi, Ўзбекистон Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, Ўзбекистон
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYO-
ROV, Farrux JABBOROV (bosh
muharrirning birinchi o'rinbosari),
Husan NISHONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), Farhod RIZAYEV,
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), "Учитель Узбекиста-
на", Mirzakarim XUDDIYEV,
Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib),
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib),
"Учитель Узбекистана", Sa'dulla
HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEXS: 149, 150. T-426.
Tiraji 57909.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib basish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-
53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-
54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotavda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.
Nashbachi muharrir:
Olim JUMABOYEV.

Nashbachi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turo» ko'chasi, 41-uy

1 3 4 5

ЎЗА якуни — 21.50
Toshirildi — 22.05